БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 176 (17.458). ● 3 август 1979 йил, жума ● Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

◆ Ғалла ўрим-йиғимини қисқа фурсатда тугаллаб, давлатга кўпроқ дон топшириш, уруғлик фонди жамғариш, чорва моллари учун кўзда тутилган озуқани ажратишга эришайлик!

◆ Гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш мажбуриятларини шараф билан бажариш чорвадорларимизнинг муқаддас бурчи!

◆ Аҳолига мева, картошка, сабзавот маҳсулотларини ҳар қачонгидан кўпроқ етказиб берайлик!

◆ Зарбдор йилда барча мажбуриятларимизни миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича ошириб бажаришга эришайлик!

◆ Юксак пахта хирмонига мустаҳкам замин яратайлик!

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ КАТТА МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Республика қишлоқ хўжалик меҳнатчилари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларини бажара бориб ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларига амал қилиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар — республика ғаллакорлари шу йилнинг қийин об-ҳаво шароитларида бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар, ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан қисқа муддатларда ўтказдилар ва биринчи марта салкам 1 миллион 200 минг тонна буғдой ва арпа янчиб олдилар. Давлатга 550 минг тонна юқори сифатли дон сотилди, бу эса план топшириғидан 3,2 баравар ортиқдир. Тайёрланган жами ғалланинг ярмидан кўпи буғдойдир. Колхоз ва совхозлар 1980 йил ҳосили учун ўзларини уруғлик билан тўла-тўкис таъминладилар, уруғлик эҳтиёт фондларини жамғариб қўйдилар.

Давлатга 160 минг тонна дон топшириб, беш йиллик топшириғини 150 процент бажарган Қашқадарё областининг ғаллакорлари юксак кўрсаткичларга эришдилар. Жиззах областининг деҳқонлари давлатга пландаги 69 минг тонна ўрнига 150 минг тонна дон топширдилар ва ўнинчи беш йилликка белгиланган дон тайёрлаш умумий ҳажмини ҳам адо этдилар. Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Андижон, Бухоро, Наманган ва Фарғона областининг хўжаликлари ҳам беш йиллик топшириқларини бажардилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1979 йилда ҳосил ўрим-йиғимини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ем-хашак тайёрлашни ҳамда 1979—1980 йиллар даврида чорва қишловини муваффақиятли ўтказишни таъминлаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарори ғаллани ўз вақтида ва сифатли ўриб-йиғиб олишда, давлатга дон сотиш топшириқларини муддатидан илгари бажаришда жуда катта сафарбар қилувчилик ролини ўйнади. Ипатоволиклар методига мувофиқ техникадан ғоят унумли фойдаланиш мақсадида республикада 4880 та ғалла комбайни, 7510 та транспорт ва ҳайдов трактори, 6400 та юк автомашинаси, 7860 та трактор прицепи, 1570 та дон тозалаш машинаси ва бошқа техникадан иборат 1102 та ўрим-йиғим транспорт отряди ташкил қилинди. Ғаллани ўриб-йиғиб олиш ва уни ташишда банд бўлган комбайнчилар, механизаторлар, колхозчилар, ишчилар ва автотранспорт ҳайдовчилари учун маданий-маиший хизмат ва медицина хизмати, маънавий ва моддий рағбатлантириш тадбирлари ҳамда юксак унум билан ишлаш учун зарур бўлган бошқа шарт-шароитлар яратиб берилди. Областлар, районлар ва хўжаликлар ўртасидаги мусобақа якунлари ҳар ўн кунда чиқариб турилди. Натижада кўпгина хўжаликлар техникадан моҳирлик билан фойдаланиб, ўрим-йиғим ишлари технологияси ва ташкил этилишини тобора такомиллаштириб дастлабки кунларданоқ ҳосил ўрим-йиғимининг юксак суръатларини таъминладилар.

Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Андижон областларининг хўжаликлари ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан қисқа муддатларда ва нобудгарчиликка йўл қўймай ўтказдилар. Бу областларда ўрим-йиғим кунлари комбайнларнинг 90—92 процента ишлаб турди.

Комбайнчилардан Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхоздан Жума Лапасов, Советобод районидаги «Каттақўрғон» совхозидан Тиркаш Қурбонов, Оҳангарон районидаги «Ғаллақудуқ» совхозидан Иван Павлович Попов, Ғаллаорол районидаги «1 Май» совхозидан Абди Шарипов ва бошқа кўпгина кишилар бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимида яхши меҳнат қилдилар. Улар мавсумда 450—800 гектар ердаги ғаллани ўриб-йиғиб бердилар.

Дон экинлари ҳосилдорлиги анча кўпайди. Олтинкўл, Бўз, Октябрь, Задарё, Пахтачи, Ленин йўли ва Бувайда районларининг илғор колхоз ва совхозлари суғориладиган ҳар бир гектар ердан 35—46 центнер дон олдилар. Зомин, Ғаллаорол, Чироқчи, Қамаши, Деҳқонобод, Қўшработ, Бойсун, Ховос, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Коммунистик районларининг хўжаликлари лалми ерлардан яхши дон янчиб олдилар.

Суғориладиган ерларда 50—62 центнердан буғдой ва арпа янчиб олган Пахтачи районидаги К. Маркс номли ва «Коммунизм», Нарпай районидаги «Ўзбекистон», Бағдод районидаги «Большевик», Шаҳрисабз районидаги «Ленинград» ва «Коммунизм» колхозлари, Шеробод районидаги Н. Муродов номли ва Сариосиё районидаги «Коммунизм» совхозлари ҳамда лалми ерларда 16—18 центнердан буғдой ва арпа янчиб олган Тошкент областидаги «Ғаллақудуқ», «Ташконезавод», Сурхондарё областидаги «Сайроб», Жиззах областидаги «Зомин-1», Қашқадарё областидаги Охунбобоев номли ва К. Маркс номли совхозлар ғаллакорларининг ютуқларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Янги навлар, илғор агротехника жорий этилганлиги, минерал ўғитлардан, механизация воситаларидан самарали фойдаланилганлиги, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш формалари такомиллаштирилганлиги, таъсирчан социалистик мусобақа ривожлантирилганлиги донли экинлардан мўл ҳосил олишнинг негизи бўлди.

Республика Автотранспорт министрлигининг, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги моддий-техника таъминоти давлат комитетининг автотранспорт корхоналари ғаллани ташиб олишда катта ёрдам бердилар. Буларнинг ҳаммаси техникадан юқори унум билан фойдаланиш, дастлабки кунданоқ ҳосил ўрим-йиғимининг юксак суръатларини таъминлаш имконини берди.

Ғаллани ўриб-йиғиб олиш ва тайёрлаш давомида тайёрлов ташкилотлари аниқ-пухта ишладилар. Улар донни узлуксиз қабул қилиб олиш, уни асрашни таъминладилар.

Ҳозирги вақтда республика деҳқонлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирилишини таъминлаш юзасидан қизғин иш олиб бормоқдалар, кузги ғалла экишга ҳозирлик кўрмоқдалар, ўнинчи беш йиллик тўртинчи йили юксак социалистик мажбуриятларини бажариш учун ҳамма ишларни қилмоқдалар.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. Якқабоғ районидаги «Ленинизм» колхозининг донгдор пахтакор Эшпўлат Бердиев бошлиқ бригадаси аъзолари ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштириб келишмоқда. Улар ўтган йили гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришган эди. Бу йил 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 65 центнердан пахта ҳосили топшириш мажбуриятини олишган. Бригада пахтазорларида ғўза парваришн қизғин давом эттирилятпи. Ғўза қатор ораларига ишлов беришда донгдор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Муртазо Абдураҳимов пешқадамлик қилаётир. У ўтган йили ўз агрегати билан 370 тонна пахта териб берган эди, бу йил 400 тонна термоқчи.

Суратда: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Муртазо Абдураҳимов.

А. Тўраев фотоси.

Сўз-миришкор сувчиларга

ГРУППА УСУЛИДА

Колхозимиз аъзолари ва механизаторлари шу кунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, ғўзанинг текис ривожланишига эришмоқдалар. Баҳор ойларидаги, айниқса, май ойининг сўнгги, июнь ойининг бошларидаги табиат қийинчиликларига қарамасдан ҳамма майдонларда тўла кўчат олинди ва ҳар туп ғўза асраб, ардоқлаб парвариш қилинмоқда. Шу кеча-кундузда ғўза ёввойи ўтларга бостирилмаса, сифатли культивация қилинса, озиқлантирилса, қондириб суғорилса мўл ҳосилга замин яратилади. Бепарволикка йўл қўйилса туп камаяди, ҳосил пасаяди. Шунинг учун ҳам колхозимизнинг меҳнатсеварлари ишда сифатга алоҳида эътибор беришаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республиканинг барча қишлоқ меҳнаткашларига қарата эълон қилган Мурожаати кечиктириб бўлмайдиган иш программамиз бўлиб қолди. Ҳамма бригадаларда, участкаларда ғўза парвариши ана шу асосда ташкил қилинган. Июль ойида ғўза қатор ораларига икки марта комплекс ишлов берамиз. Ривожланишдан кечиқаётган 45 гектар майдондаги ғўза қатор ораларига эса уч марта комплекс ишлов берилади.

Ҳосилнинг тақдири механизаторлар билан сувчилар қўлида. Ғўза қатор ораларига ишлов беришда ҳар бирига «СУЗ» осилган 31 та культиватор, сув тарашда 110 сувчи ишлаяпти. Культивация қилинган, озиқлантирилган, суғорилган каталар сифат комиссияси томонидан қабул қилиб олиняпти. Нормаларини оширган ва сифатли иш бажарган механизаторлар ва сувчиларга қўшимча равишда 15—20 процент миқдорда иш ҳақи тўланяпти.

Колхозимизда бу йил биринчи марта 55—60 центнерчилар ҳаракати кенг қулоч ёйди. Ўткир Бўронов, Жумаргул Сапарбоева, Сағинбой Сарибоев, Сапарбой Жуматов раҳбарлиқ қилаётган бригадаларнинг аъзолари бу ҳаракатга биринчилар қатори қўшилдилар. Ана шу бригадаларнинг ҳаммасида гул кўсакка айланяпти. Ҳар гектар майдондаги ғўза минерал ўғитлардан ташқари, 8—10 тонна ҳисобида маҳаллий ўғит билан озиқлантирилмоқда.

Ғўза қатор ораларига ишлов бераётган механизаторлардан Жанабой Тожибоев, Тожимурот Исмоилов, Ешмурот Хўжамуротов, Айтбой Тлеумуротов, Аметжон Саймановлар смена нормаларини 1,5—2 ҳиссадан бажариб социалистик мусобақада олдинда бормоқдалар.

Колхоз правленниеси, партия комитети ғўзаларни қондириб суғоришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ғўзаларга сув тараш ҳамма бригадаларда группа усулида ташкил қилинди. Ҳар 10 гектар майдонга 5 сувчи бириктирилган. Тунги сув тарашга ишнинг кўзини яхши биладиган, ғўзаларнинг ривожланиш ҳолатини яхши ўзлаштирган сувчилар ажратилди. Ғўзаларни қондириб суғортар майдондаги ғўза минерал ўғитлар ташқари, 8—10 тонна ҳисобида маҳаллий ўғит билан озиқлантирилмоқда.

Ғўза қатор ораларига ишлов бераётган механизаторлар, сувчилар ва ишлаб чиқаришни кооперациялашни ривожлантириш соҳасидаги иш давом эттирилиши лозим, деган фикрга қўшилдилар.

Халқаро масалалар ҳусусида фикрлашиб олинди. Л. И. Брежнев билан Н. Чаушеску қуролланиш пойгасини жиловлаш, кескинликни юмшатиш жараёнига изчил, тобора жўшқин ва теран характер бахш этиш мақсадида чоралар кўрилишини ғоят зарур деб ҳисоблайдилар. СССР ва РСР Варшава Шартномасига аъзо бўлган бошқа давлатлар билан. Умумевропа кенгашида иштирок этган барча мамлакатлар билан биргаликда Хельсинки актида кўзда тутилганидек ҳамкорликнинг ҳамма йўналишларида, шу жумладан ишонч чораларини кучайтириш ва сиёсий кескинлик юмшатилиши билан мустаҳкамлаш соҳасида куч-ғайратларини ошириш ниятидадирлар. Шу муносабат билан 1980 йилда Мадридда бўладиган учрашувнинг аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

Суҳбат қатнашчилари шуни қайд этиб ўтишдики, Венадаги Совет—Америка учрашуви ва биринчи навбатда СҚЧ-2 шартномасининг имзоланганлиги жаҳон сиёсатидаги катта ижобий воқеа бўлди.

Л. И. Брежнев ва Н. Чаушеску совет халқи билан румин халқи озодликка чиққан халқларнинг, блокларга қўшилмаслик ҳаракатининг ирқчиликка, янги мустамлакачилик ҳукмронлигига қарши, эркинлик, социал тараққиёт ва тинчлик иши тантанаси йўлидаги кураши билан ҳамиша бирдам эканликларини билдирдилар.

Учрашув самимий, ўртоқлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ Н. ЧАУШЕСКУ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 1 август куни Қримда Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску билан учрашди.

Суҳбатда: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР ташқи ишлар министри Ш. Андрей иштирок этдилар.

Л. И. Брежнев ва Н. Чаушеску ўртоқлар Совет Иттифоқи билан Руминия Социалистик Республикасида коммунистик ва социалистик қурилишнинг бориши тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. Совет—Руминия муносабатларини ривожлантириш, КПСС билан РКП ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг актуал масалаларини кўриб чиқдилар. Улар иккала мамлакат беш йиллик планларини координациялаш соҳасидаги ҳамда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ҳам, шунингдек икки томонлама асосда ҳам иқтисодий ҳамкорликни ва ишлаб чиқаришни кооперациялашни ривожлантириш соҳасидаги иш давом эттирилиши лозим, деган фикрга қўшилдилар.

Халқаро масалалар ҳусусида фикрлашиб олинди. Л. И. Брежнев билан Н. Чаушеску қуролланиш пойгасини жиловлаш, кескинликни юмшатиш жараёнига изчил, тобора жўшқин ва теран характер бахш этиш мақсадида чоралар кўрилишини ғоят зарур деб ҳисоблайдилар. СССР ва РСР Варшава Шартномасига аъзо бўлган бошқа давлатлар билан. Умумевропа кенгашида иштирок этган барча мамлакатлар билан биргаликда Хельсинки актида кўзда тутилганидек ҳамкорликнинг ҳамма йўналишларида, шу жумладан ишонч чораларини кучайтириш ва сиёсий кескинлик юмшатилиши билан мустаҳкамлаш соҳасида куч-ғайратларини ошириш ниятидадирлар. Шу муносабат билан 1980 йилда Мадридда бўладиган учрашувнинг аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

Суҳбат қатнашчилари шуни қайд этиб ўтишдики, Венадаги Совет—Америка учрашуви ва биринчи навбатда СҚЧ-2 шартномасининг имзоланганлиги жаҳон сиёсатидаги катта ижобий воқеа бўлди.

Л. И. Брежнев ва Н. Чаушеску совет халқи билан румин халқи озодликка чиққан халқларнинг, блокларга қўшилмаслик ҳаракатининг ирқчиликка, янги мустамлакачилик ҳукмронлигига қарши, эркинлик, социал тараққиёт ва тинчлик иши тантанаси йўлидаги кураши билан ҳамиша бирдам эканликларини билдирдилар.

Учрашув самимий, ўртоқлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

ЮКСАК МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 1 август куни Руминия Компартиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти Н. Чаушескуга Ленин ордени топшириди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев юксак мукофотни топшириш вақтида бундай деди:

— Ҳурматли ўртоқ Чаушеску!

Ўртоқлар!

СССР Олий Советининг Президиуми СССР ва РСР халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ишидаги хизматларини тақдирлаб ва туғилган кунига олтмиш йил тўлганлиги муносабати билан ўртоқ Николае Чаушескуни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида 1978 йилдаёқ фармон қабул қилган эди.

Бугун ана шу мукофотни топшириш имконияти борлигидан ҳурсандман. Шу кунги тантанали воқеа совет коммунистларининг румин коммунистларига чуқур иззат-ҳурмати ва қардошларча меҳр-муҳаббатини исбот этувчи яна бир далил ҳисобланишини истар эдик. Бизнинг халқимиз румин халқи билан дўстлик ва ҳамкорликни қадрлайди. Биз мазмуни жиҳатидан хилма-хил бўлган совет—румин мусобақалари социалистик ва коммунистик қурилиш манфаатларига, социалистик ҳамдўстликни янада мустаҳкамлаш ва бутун жаҳонда тинчлик ишига пухта хизмат қилишига муттасил интилмоқдамиз.

Ҳурматли ўртоқ Чаушеску, юксак мукофот олишингиз муносабати билан менинг табрикларимни қабул қилғайсиз.

Н. Чаушеску жавоб нутқи сўзлади:

— Ҳурматли ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

Ўртоқлар!

СССР Олий Совети Президиуми мени юксак мукофот — Ленин ордени билан мукофотлади. Сиз бугун бу мукофотни менга топширдингиз. Ана шу юксак мукофот учун миннатдорчилик изҳор қиламан.

Мен буни Руминия Коммунистик партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасидаги, Руминия Социалистик Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги яхши, дўстона муносабатларнинг нафосаси, мамлакатларимизнинг халқлари бир-бирларига нисбатан изҳор қилаётган иззат-ҳурмат туйғуларининг ифодаси, деб биламан. Шу билан бирга мен бу мукофотни ана шу муносабатларни ривожлантиришга, румин ва совет коммунистлари ўртасидаги, румин ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўйган ҳиссамга берилган баҳо деб ҳисоблайман.

Бизнинг партиямиз ва халқимиз румин — совет муносабатларига юксак баҳо берадилар. Бу муносабатлар мамлакатларимизда социалистик ва коммунистик қурилиш, бутун жаҳонда социализм, ҳамкорлик ва тинчликдан иборат муштарак иш манфаатлари йўлида ҳамма соҳаларда доим ривожланиб боришини истаймиз.

Леонид Ильич. Сиз менга топширган мукофот учун ва шу муносабат билан менинг шаънимга айтилган табрик сўзлари учун яна бир марта қизғин миннатдорчилик изҳор қиламан.

Олий мукофотни топшириш вақтида Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов; Руминия томонидан — РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР ташқи ишлар министри Ш. Андрей, РКП Бош секретарининг маслаҳатчиси К. Митя ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ПАРТИЯВИЙ ИШНИНГ УСЛУБИ ВА МЕТОДЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида ташкилий-партиявий иш методик кенгашининг мажлиси бўлди. Тошкент область партия комитетининг ишчилар ва илғор колхозчилардан сайланган партия активи ўртасида олиб бораётган иш тажрибаси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Муҳокама натижалари юзасидан тавсиялар қабул қилинди. Бу тавсиялар тўпланган тажрибани умумлаштиришга ва ундан партия ташкилотларида фойдаланишга, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида партия кадрларини тарбиялашга қаратилгандир. (ЎзТАГ).

ЭНГ ЯХШИ МУДДАТЛАРДА

Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида республиканинг таниқли механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев ғўзани чеканка қилишда юксак меҳнат унумдорлигига эришмоқда. Бир кун ичида у нормада белгиланганига қараганда уч гектар кўп — 15 гектар майдонда мана шу муҳим агротехника тадбирини амалга оширмоқда, чеканка энг яхши муддатларда олиб борилмоқда.

Ғалаба районининг далаларида шу кунларда 170 машина ғўзани чеканка қилиш билан банд. Тошкент областининг Бўка, Бекобод, Коммунистик районлари ва бошқа районларининг механизаторлари шу муҳим ишни бажаришга киришдилар.

(ЎзТАГ).

КУН ТАРТИБИДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАСИ

2 август куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда республикада йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ишининг самарадорлигини ошириш масаласи кўриб чиқилди. Кенгашда область партия комитетлари маъмурий органлари бўлимларининг мудирлари, министрликлар ва идоралар-нинг, ҳаракат хавфсизлиги комиссияларининг, автомобиль хўжаликларининг, автомотосвасколари жамиятининг раҳбарлари, маъмурий органларнинг ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашда йўллар ва автомобиль хўжаликларида тегишли тартиб ўрнатиш юзасидан олиб борилаётган ишларнинг аҳволига доир тадбирлар кўриб чиқилди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. С. Ашуралиев иштирок этди. (ЎзТАГ).

ОРБИТАДА ЯНГИ ЭКСПЕРИМЕНТЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 1 август. (ТАСС). Космонавтлар Владимир Ляхов билан Валерий Рюмин ер атрофи орбитасида 157 кундан бери ишлаяптилар.

Ўтган кунларда илмий тадқиқот комплексининг экипажи иш программасига мувофиқ космик технология борасидаги экспериментларни давом эттирди.

Космонавтлар космик вакуум ва вазнсизлик шароитларида турли сиртларга металларни буғлаш ва конденсациялаш методи билан металл қоплашга мўлжалланган эксперимент «буғлатгич» аппарати билан ишладилар. Эксперимент чоғида «буғлатгич» аппаратининг иш блоки герметиклиги йўқотилган шлюз камерада турди ва у станция ичида жойлашган пульт орқали бошқариб борилди. Олинган намуналар ерга келтирилади.

Кейинчалик космик фазода турли қопламаларни яратиш ва тиклашда, шу жумладан белгиланган иссиқлик режимини, космик аппарат ва установкалар юзасининг оптик хусусиятларини таъминлашга мўлжалланган, шунингдек атрофмуҳитнинг шуларга кўрсатадиган емирувчи таъсирига тўсқинлик қилувчи турли копламаларни яратиш ва тиклашда шундай установкалардан фойдаланиш мумкин.

31 июль ва 1 август кунлари «Кристалл» установкасида вазнсизлик шароитида кадмий ва германий сульфиди монокристалларини олиш эксперименталари ўтказилди.

Бугун экипаж навбатдаги медицина текширувини ўтказади. Космонавтларнинг юрак қон-томир системаси комплекс равишда тадқиқ этилди, шу жумладан велоэргометрда дозаланган жисмоний нагрузка билан тадқиқ этилди. Комплекс бўлмаларидаги газ муҳити состави ўзгаришининг динамикасига доир маълумотлар олиш мақсадида кечқурун медицина-биология эксперименти ўтказиш мўлжалланган.

Экипажнинг докладлари ва телеметрик маълумотларга кўра, «Салют-6» станцияси ва «Союз-34» кемаси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Владимир Ляхов билан Валерий Рюмин ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ТАРБИЯГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ

САМАРАДОРЛИК—БОШ МЕЗОН

Маълумки, КПСС XXV съезди ҳозирги босқичда партия идеологик ишининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Съезд олға сурган вазифаларни амалга оширишда партия Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори муҳим қўлланмага айланди. Қарорда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш коммунизм учун курашнинг муҳим фронти бўлиб қолганлиги, бу ишга комплекс ёндашув муваффақият гаровига айланганлиги таъкидланган. Ғоявий-сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбияни аҳоли барча қатламларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйиш партия ташкилотлари идеологик, сиёсий-тарбиявий фаолиятида етакчи ўрин тутмоқда.

Шаҳримиз партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг қарори асосида бутун сиёсий-тарбиявий иш самарадорлигини ошириш, бу ишни етук социализм шароити талабларига жавоб берадиган даражада юқори кўтариш йўлларини белгилаб олдилар. Ҳозир 678 пропагандист, 1200 агитатор, 720 сиёсий ахборотчи, 850 лектор, 95 сиёсий докладчи меҳнаткашлар ўртасида қизғин сиёсий-тарбиявий иш олиб бормоқда, оммани ўнинчи беш йиллик вазифаларини амалга ошириш учун курашга сафарбар этишда партия ташкилотларига бевосита ёрдам кўрсатмоқда. Оғзаки сиёсий агитациянинг жанговар ташкилотчиларидан 166-қурилиш трести бошқарувчисининг ўринбосари У. Исаев, Нукус давлат университети катта ўқитувчиси К. Шарипова, 14-автобаза бош инженери А. Усенов, «СССР 50 йиллиги» заводидан Б. Абдужамолова, Нукус автоотрядидан М. Базаркин, Маяковский номли ўрта мактабдан Ж. Қиятов ўртоқлар меҳнат коллективларида, аҳолининг турар жойларида партия сўзини оммага етказиб, самарали сиёсий-тарбиявий иш олиб боряптилар.

Идеология ишининг етакчи йўналишларидан бири меҳнат тарбиясидир. Шаҳар партия комитети шуни назарга олиб, социалистик мусобақа ва меҳнатга коммунистик муносабат учун курашни авж олдирмоқда. Шаҳар корхоналарида меҳнат, маданият ва спорт эстафетаси ўтказилаётир. Бу тадбир одамларни халқимизнинг шонли анъаналари руҳида тарбиялашга, меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришиш учун курашга сафарбар этмоқда. Эстафета жараёнида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари яхшиланишига эришилаётир. Ғоявий-сиёсий тарбия ишнинг савияси ошаётир, социалистик мусобақанинг таъсирчанлиги ўсаётир.

Шаҳарком ва бошланғич партия ташкилотлари меҳнат коллективларини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг истиқболли планларини ишчи амалга оширмоқдалар. Шаҳар партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида партия ташкилотларининг ана шу соҳадаги вазифалари атрофлича қараб чиқилди. Пленум саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотларида бу планларни амалга оширишнинг ижобий тажрибасини оммалаштирди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланган шаҳримиз коммунистлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун курашда байроқдорлик қилмоқдалар. Қўлга киритилаётган ютуқлар меҳнат коллективларида сиёсий-тарбиявий ишлар тўғри йўлга қўйилганлиги самарасидир.

Ҳозир 1979 йил планларини муваффақиятли бажариш учун мусобақада 14 мингдан зиёд меҳнатчи қатнашаётир. 60 дан ортиқ ишчи ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётир. Социалистик мусобақа самарадорлигини оширишга эътибор кучайганлигини шаҳримиз корхоналари планга қўшимча қўплаб маҳсулот реализация қилаётганлигида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда қурилиш-монтаж ишлари ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Социалистик мусобақада Гирля Борис, Парахат Бектурсунов сингари шоферлар, Хўжан Сафаралиев сингари пайвандчилар, СССР Олий Советининг депутати Н. Аккуратнова сингари қурувчилар олдинда бораётирлар. Уларнинг ҳар бири меҳнатда шижоаткорлик кўрсатаётирлар, янги-янги ташаббуслар билан чиқмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида таъкидланганидек: «Совет кишиларида илмий дунёқараши, партия ишига, коммунистик идеаллларга астойдил содиқликни, социалистик Ватанга муҳаббатни, пролетар интернационализмини шакллантириш идеология, сиёсий-тарбиявий ишнинг ўзаги бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади». Ана шу кўрсатмадан келиб чиқиб, биз партия сиёсий маорифи системасида келгуси ўқув йилида К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарлари, ўртоқ Л. И. Брежнев ва партиямизнинг бошқа арбоблари асарларини чуқур тахлил этишга эътиборни кучайтиришни мўлжалламоқдамиз.

Ўтган ўқув йили якунлари шуни кўрсатдики, шаҳар партия ташкилотлари сиёсий ва иқтисодий ўқувларни ташкил этишда, унинг самарадорлигини оширишда сезиларли натижаларни қўлга киритдилар. Назарий конференциялар, пропагандистлар учун семинарлар, методик кенгашлар тез-тез ўтказиладиган бўлиб қолди. Ез мобайнида пропагандист кадрлар аттестациядан ўтказиладиган бўлиб, ишлаётган пропагандистлар ва лекторлар ўз малакаларини ошириш учун ўқишга юборилдилар. Ҳозирги шаҳримизда 150 раҳбар ходим пропагандистик иш олиб бормоқда. меҳнат коллективларида сиёсий докладлар билан чиқмоқда.

Кўпчилик партия ташкилотлари турар-жойларда оммавий-сиёсий ишни кучайтиришга алоҳида аҳамият қилмоқдалар. Жамоатчилик кенгашлари бу ишларни мустаҳкамлаштирувчи муҳим восита бўлиб қолмоқда. Медицина, маданият, маориф ходимлари, лекторлар, спорт ишининг ташкилотчилари ана шу кенгашлар составида турар жойларда қизғин иш олиб бормоқдалар. Биз яқинда бу соҳадаги ижобий тажрибаларни умумлаштириб чиқдик. Шу нарса маълум бўлдики, барча маҳаллаларда, микрорайонларда жамоатчилик кенгашлари бир хилда самарали иш олиб бормаётирлар. Турар жойларда клублар етарли ташкил этилмаган. Мавжудлари эса тарбиявий ишнинг таъсирчан ва чинакам оммавий марказига айлантирилмаган.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори меҳнат коллективларида, турар-жойларда олиб бориладиган сиёсий-тарбиявий ишларнинг аҳволи учун бошланғич партия ташкилотларни масъулиятини янада оширмоқда. Бошланғич ташкилотлар омма ўртасида кун сайин сиёсий-тарбиявий иш олиб бориб коллективни жипслаштириш, меҳнатчиларнинг ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш учун коллективда ишчанлик, ўзаро талабчанлик ва бир-бирига ёрдам кўрсатиш иштиёқини тутдирувчи муҳит яратмоқлари керак. Афсуски, партия йиғилишлари мундарижасини ўрганиш шуни кўрсатадики, айрим бошланғич ташкилотлар идеологик ишнинг ғоят муҳим жиҳатларига кам эътибор бермоқдалар, идеология кадрларини танлашда юзакичиликка йўл қўймоқдалар, уларнинг тайёрлаш ишларини ташкил этишга масъулиятини оширмаётирлар. Айрим ҳолларда етарли тайёргарликка эга бўлмаган кишиларга ҳам агитаторлик, сиёсий ахборотчилик каби муҳим партия топшириғи юклаб қўйилмоқда. Натижада ишда расмиятчилик, юзакичилик ҳоллари содир бўлаётир.

Шаҳар партия комитети идеология фронтининг ҳар бир ходими партия ғоялари ва сиёсатини омма онгига актив сингдирувчи, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга даъватли, буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишларга қарши муросасиз кураш олиб борувчи актив жангчилар бўлиши учун барча чораларни кўраверади. Биз пропаганда ва агитация ишининг юксак илмий ва ғоявий даражасини таъминлаш, бу ишда ишчанлик ва конкретлиликка эришиш, сиёсий-тарбиявий ишнинг ҳужумкорлиги ва самарадорлигини ошириш учун барча зарур чораларни кўраверамиз. Шаҳарком идеология ишининг асосий йўналишлари бўйича омма ўртасида амалга оширилаётган гадбирларнинг таъсирчанлигини оширишда бошланғич ташкилотларнинг ролини бундан буён ҳам кучайтираверади. Ҳеч шубҳа йўқки, партия Марказий Комитетининг қарорини ишчанлик билан амалга ошириш туфайли бутун идеологик сиёсий-тарбиявий ишимизнинг самарадорлиги ва сифати янги, янада юқори босқичга кўтарилаверади.

Б. КЕТЕБОЕВА,
Нукус шаҳар партия комитетининг секретари.

БЕШ ЙИЛЛИКЛАР САДОСИ

ЧЎЛҚУВАРЛАР ТЎНҒИЧИ

Шеробод чўллари ва Сурхон даштлари тўла ўзлаштирилиб, пахтазорга, боғу бўстонга айлантирилди. Ана шу ўзлаштирилган қўриқ ерлар базасида иккита янги район, 20 га яқин пахтачилик, 2 та шоликорлик, битта ғаллачилик, битта бўрдоқичилик ва битта узумчилик-мевачилик совхозлари барпо этилди. Улар она-Ватанга юз мингдан тонна «оқ олтин», кўплаб бошқа қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб бермоқдалар.

Биз қуйида Шеробод-Сурхон даштларини ўзлаштириш учун дастлаб ҳамла қилган қўриқ қаҳрамонлари, чўлқуварлар тўғричи ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

...1960 йиллар арафаси эди. Жанубий районларга обиҳаёт бахш этадиган «Занг» каналини реконструкциялаш ва қайта барпо этишга каттадан-кичик отланди. Қурилиш умумхалқ ишига, халқ ҳашарига айланиб кетди. У пайтларда қудратли техника ва бошқа механизмлар етарли бўлмаганлиги сабабли бу улкан иншоотни қуришдаги ишларнинг асосий қисми қўл кучи билан бажариларди. Ана шундай қисталанг паллада партия ва совет ташкилотларининг ташаббуси билан Шеробод-Сурхон чўлларини забт этишда асосий роль ўйнайдиган «Занг» каналини қуриш ишини жадаллаштириш учун водийда энг тўнғич механизациялашган кўчма колонна ташкил этилди. Бу жанговар коллектив аъзолари халқ ишончини оқлади. Кўчма колонна механизаторларининг ғайрат-шижоати билан узунлиги 94 километр келадиган, секундига 85 кубометр сув ўтказадиган улкан гидротехника иншоотларини жуда қисқа муддатларда қуриб битказилди ва бетон ётқизилди. Шунинг учун ҳам бу механизациялашган кўчма колоннага «Занг»строй» номи берилди.

Қўриқ қаҳрамонлари канални қуриб биткизгач, сувни хўжаликларга меъёрида тақсимлаб берадиган ғоят ноёб гидротехника иншоотини бўлмиш Жарқўрғон гидроузелини ҳам муддатидан анча олдин фойдаланишга топширдилар. Ана шу икки йирик иншоот тўла қувват билан ишга туширилгандан сўнг Сурхон воҳасида қўриқ ерларни ўзлаштириш беқиёс даражада тезлашиб кетди. «Занг»строй» азаматлари кўплаб ер текислайдиган механизмлар — бульдозерлар, скрейперлар, грейдерлар ва бошқа техника воситалари олиб, биринчилар қатори чўлқуварлар сафига қўшилдилар ва Шеробод-Сурхон даштларини текислаб, янги ерларни ўзлаштиришга киришдилар. Улар сўнгги 20 йил ичида 15 минг гектарга яқин қўриқ ерларни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритдилар. Биргина «Занг»строй» механизаторлари ўзлаштириб берган қўриқ ерлар базасида учта пахтачилик совхози ташкил этилди.

Ана шу долзарб пайтларда бу жанговар коллективга ишбилармон, жонкуяр одам В. К. Михайлов раҳбарлик қилди. Коммунистлар ўртоқ Михайловнинг меҳнатини муносиб тақдирладилар. Унга ишонч билдириб, область партия комитетининг иккинчи секретари этиб сайладилар. Фидокор коммунист янги постда ҳам ўз ҳамкасбларининг ишончини шараф билан оқлаяпти.

Яқинда йўлимиз тушиб «Занг»строй»га боришга тўғри келди. Механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Эркин Бозорович Норқўзиев бизни илиқ кутиб олди:

— Коллективимиз, — деди у, — «Занг»строй» шуҳратига ҳеч қачон доғ туширмайди. Ўнинчи беш йиллигининг ўтган уч йилида чўлқувар механизаторларимиз белгиланган 4660 гектар ўрнига 5375 гектар янги ерни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритдилар. Уч йиллик план 115 процент адо этилди. Зиммага олинган социалистик мажбуриятлар ортиғи билан уддаланди. Бу ишлар асосан янги ташкил этилган 2, 9, 17-совхозлар территориясида амалга оширилди. Улардан иккитаси Шеробод чўлида ва биттаси Боботоғ массивида барпо этилди. 380 кишидан ташкил топган коллективимиз аъзолари ҳар йили пландаги 800-900 гектар ўрнига 2000 гектардан зиёд ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб бермоқдалар, 50-60 километр масофадаги каналлар саҳнига бетон ётқизмоқдалар.

«Занг»строй» коллективи ва колонна партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети ноябрь (1978 йил) Пленуми қарорларини сўзсиз амалга оширмоқ учун социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар.

— Бизда бригада пудрати асосида ишлаётган злобинчи 8 та бригаданинг кўпчилигига коммунистлар раҳбарлик қилди, — дейди партком секретари Э. Ҳайдаров, — Улар болалар муассасалари, мактаблар, уйжойлар қуриш муддатларини икки баравар қисқартишга муваффақ бўллилар.

Дарҳақиқат, бу гапларда жон бор: коммунистлардан Мурод Қулсоатов, Чори Шоймардонов, Жайлов Маҳамовлар бошлиқ злобинчилар бригадалари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини ҳам яқин вақтда бажариш учун зўр жасорат билан меҳнат қиляптилар. Коммунист механизаторлардан скрейперчи Валерий Веприцкий 1978 йил август ойидаёқ ўнинчи беш йиллик планини бажариб, ҳозирги кунда 1981 йил ҳисобига меҳнат қиляпти. Экскаваторчилардан Аъзам Юсупов ва Евгений Шинкарёв 1980—1981 йиллар ҳисобига меҳнат қиляптилар. Жамила Охунова бошлиқ бетончилар бригадасининг иши ҳам мақтовга сазовор. Бу бригада аъзолари ойлик планларини муттасил ошириб адо этмоқдалар.

Механизациялашган кўчма колоннада ҳаммаси бўлиб 13 та бригада бор. Улар 1979 йил планларини камида бир ой олдин бажариш учун ўзаро мусобақани қизитиб юбордилар Шу бригадаларнинг ҳаммаси коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашяпти. Бетончи Биташ Азимов, «Ҳурмат Белгиси» орденли бульдозерчи Иван Дёмин, скрейперчи Николай Добрецкий ва бошқа илғор коммунистлар браксиз ишлаш, қилинган ишларнинг юқори сифатли ва самарали бўлишини таъминлаш ташаббусини кўтариб чиқишди.

«Занг»строй» коллективининг ишчи ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети ноябрь (1978 йил) Пленуми қарорларини бажаришда 1979 йилнинг дастлабки ойларидаёқ юксак марраларни эгаллашга муваффақ бўлмоқдалар. Бу ерда янги йилнинг ўтган етти ойнга белгиланган план-топшириқлар анча ошириб адо этилди. Забардаст коллектив азаматлари 1979 йилда Шеробод чўлидаги 17-совхоз территориясида 500 гектар, «Боботоғ» совхозида 200 гектар, Усмон Юсупов номли совхозда 100 гектар, Эски Термиз, Қизил ва Каттақўм массивининг чўққачилик комплекси жойлашган массивларида 200 гектар, жами 1000 гектардан зиёд янги ерни капитал текислаб, қишлоқ хўжалик оборотига киритиш учун астойдил меҳнат қиляптилар. Бундан ташқари, секундига 6 кубометр сувни Амударёдан Термиз районидаги Ленин номли колхоз экиндорларига кўтариб берадиган насос станциясининг иккинчи навбатидаги ишлар ҳам бошлаб юборилди. Бу иншоот шу йили ишга тушириладигандир.

Шу нарса қувончлики, коллектив ўтган йили ҳар бир ишчи ҳисобига 18 минг 700 сўмлик иш бажарди. Бундай юксак меҳнат унумдорлиги республикадаги энг илғор қурилиш ташкилотларида ҳам камдан-кам қайд этилади. Бу ерда ишчиларга ҳақ тўлаш рағбатлантирувчи аккорд системаси асосида ташкил этилганлиги жуда қўл келяпти. Колонна 1978 йилда 1,2 миллион сўм соф фойда олган бўлса, бу йил 1,5 миллион сўмлик иқтисодий фойда кўриш режалари белгиланган.

Бу ерда Сурхондарёда биринчи бўлиб, қурилишда автомат бошқарув системаси жорий этиляпти. У ишга тушиши билан хўжаликларга топшириладиган ерларни текислашдаги айрим хатолар, механизмлардан фойдаланишдаги нуқсонлар, қуришдаги камчиликлар бартараф этилади.

«Занг»строй» механизациялашган кўчма колоннаси коллективининг истиқболи янада порлоқ. Коллектив аъзолари келгусида Учқизил ва Каттақўм массивларидан 25 минг гектар, Боботоғ массивидан 5000 гектар янги ерларни ўзлаштириб, ўз шуҳратларига янада шуҳрат қўшиш учун курашмоқдалар.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Тошкентдаги Кино-концерт зали қурилиши кун сайин авж олдирилмоқда. Бу ерда вентиляция системаси аппаратларини монтаж қилаётган «Узпромвентиляция» трести коллективи яхши кўрсаткичларга эришяпти.

Суратда: трестнинг энг илғор ишчилари В. Симонов [чапдан], Г. Есиков ва А. Эргашевлар. Улар кундалик топшириқларни 170—180 процентдан адо этишяпти.

И. Глауберзон фотоси.

Бинокорларга маҳсулотлар

Жиззах областида чўлқувар бинокорлар учун маҳсулотлар етказиб берадиган корхоналар сафи ўсмоқда. Бу ерда бинокорлик материаллари комбинатининг биринчи навбати қурилишида дастлабки ғалабага эришилди. Асосий корпусни, тайёр маҳсулот омборини, арматура ва бетон қориш узелларини монтаж қилиш ишлари ниҳоясига етди.

Корхонада 4 ва 9 қаватли турар-жой бинолари учун панеллар ва бошқа хил конструкциялар, шунингдек, қар хил темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарилади.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

◆ ОДЕССА

Областда энг йирик бўлган Свидиопольск районидаги Дзержинский номли колхоз ғаллакорлари ангизда биронта ҳам дон қолдирмадилар. Халқ контролёрлари ўрим-йиғимда нобудгарчиликнинг олдини олишда кўмаклашдилар. Махсус тузилган постлар ишлаётган машина-механизмларнинг бекамі-кўстлигини текшириб турдилар. Хирмонларда алоҳида контрол ўрнатилди. Ҳозирги вақтда областда ўрим-йиғим ишларининг бориши ва сифатини область ва район халқ контроли комитетларининг қирқта рейд бригадаси ҳар куни текшириб турибди.

◆ СТАВРОПОЛЬ

Георгиевск яқинида Россия федерациясида энг йирик бўлган матлубот кооперацияси-нинг универсал базаси қурила бошланди. Бу ерда омбор биноларининг майдони 20 минг квадрат метрга бориб қолади. Беш қаватли ишлаб чиқаришмаиший корпус барпо этиш ҳам кўзда тутилган. Бу корпусда намуналар зали, хизмат кабинетлари, ошхона, машинаҳисоблаш станцияси ва телефон станцияси жойлашади.

◆ ОЛМАОТА

Бу бола гапиришдан олдин ашула айтишни ўрганди. Мутахассисларнинг фикрича, нихоятда зўр музика қобилиятига эга бўлган беш ёшли Август Аммонов опера партияларининг кўпини оригинал тилда ижро этмоқда. «Казахтелефильм» студияси ана шу истеъдодли бола ҳақида «Август Аммонов, Борис Годунов ва бошқалар» деб аталган лента чиқарди. Ёш хонанда Москва консерваториясининг ҳузуридаги марказий музика мактабига ўқишга таклиф қилинган.

◆ ДУШАНБА

Тожикистон колхоз ва совхозларида барча пахта териш машиналарининг учдан иккиқисми далага чиқишга шай қилиб қўйилди. Республика сельхозтехника корхоналарида эскириб қолган деталларни тиклайдиган махсус цехлар ва участкалар ишлаб турибди. Узелларнинг ўнлаб турларига иккинчи ҳаёт бағишланмоқда. Бу ерда узелларни тиклашнинг илғор технологияси қўлланилмоқда. Яқин йиллар ичида республикада эскириб қолган деталларни тиклаш ишларининг ҳажмини қарийб икки баравар кўпайтириш режалаштирилмоқда. Бу эса хўжаликларнинг эҳтиёт қисмларга бўлган талабини тўлароқ таъминлаш имконини беради.

(ТАСС).

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

ОДДИЙ ОДАМ — ОЛИЙ ОДАМ

ҚАДР

Надежда ота-онасидан уч ёшида етим қолиб, Самарқанд шаҳридаги болалар уйида тарбияланди. Кейинроқ Н. Шокирова Самарқанддаги фельдшер-акушерлик техникумини тамомлаб, комсомол йўлланмаси билан Сурхондарё область соғлиқни сақлаш бўлимига ишга келди. Бироз вақт ўтгач Надеждани Шўрчи район марказий бирлашган шифохонасига ишга юборишди.

Қаршимизда бутун умрини халқ саломатлигини муҳофаза қилишга бағишлаётган Надежда Шокирова ўтирибди...

— Шўрчи район марказий бирлашган шифохонасига ҳамшира бўлиб ишга келганимда кўп қийинчиликларга дуч келдим, — дейди онахон. — Лекин касбимни жон-дилдан севардим. Тажрибали ҳамкасбларим ёрдам беришди...

Дарҳақиқат, Надежда иродаси мустаҳкам, руҳи тетик комсомол-ёшлардан эди. У келажакка ҳамиша ишонч билан қararди.

Йиллар оқар сувдай ўтиб кетди. Севган касбини ардоқлаб келаётганига ҳам йигирма тўққиз йил бўлибди. Шу йиллар ичида қанчадан-қанча беморлар унинг енгил қўлидан шифо топмади, дейсиз.

Надежда опа ҳам устоз, ҳам меҳрибон она! Катта ўғли Ринат Украинада авиация билим юртини муваффақиятли тугаллаб, Тюмень областида ишламоқда. Қизи Румия Шўрчидаги Глиэр номли музика мактабининг ўқитувчиси, Фарида эса Душанбадаги маданият институти студенти.

Инсон кадрини меҳнат оширади, дейди халқимиз. Ўзининг ҳалол меҳнати билан кишилар ҳурматини қозониб келаётган Надежда опа ҳақида ўйлаганимизда беихтиёр шу сўзлар ёдимизга келади.

Коммунист шифокор Н. Шокировнинг бундан буён ҳам юзлаб оналарга олам-олам қувонч бахш этишига, медицина равнақи йўлида ҳали кўп эзгу ишларни амалга оширишига тилакдошмиз.

Ч. ҲУСАНОВ.

ТАНҚИД

ДАЛА ШИЙПОНИ ҚАНИ?

Қоракўлга йўлингиз тушганда Киров номли колхозда бўлганмисиз? Боргунча асфальт йўл ёқасидаги майдонларда мавж уриб ўсаётган гўзаларни, посёлка типида қурилган ховли-жойларни кўриб дилингиз яйраб кетади. Ҳашаматли замонавий боғча биносига кўзингиз тушиши билан «Қуруқчиларга балли-е!» деб юборгингиз келади. Ҳақиқатан ҳам колхознинг ҳар бир бурчагида савлат тўкиб турган типовой медицина пунктлари, айрим дала шийпонлари хўжаликнинг кўркига-кўрк қўшиб турибди. Аслини олганда буларнинг ҳаммаси бундан бешўн йил илгари қурилган. Бироқ, колхознинг ҳозирги раҳбарлари қурилиш тўғрисида астойдил бош қотираётганлари йўқ.

Тажрибали пахтакор Мустафо Норов бошчилик қилаётган 4-бригадада шу вақтгача дала шийпони бўлмаган. Колхозчилар баъзан дуч келган жойда, баъзан дарахт тагида нонушта, тушлик қиладилар. Бригада аъзолари ишдан кейин маданий ҳордик чиқариб, радио эшитиш, газета ва журналлар ўқиш имкониятига эга эмаслар. Бу ерда мавсумий болалар боғчаси ташкил қилинмагани сабабли болали аёллар далада кўринмайди.

— Бу камчиликлардан колхоз раҳбарларининг ҳам хабарлари бор, — дейди Мустафо Норов. — Ҳатто колхозчилар мендан: «Қачон дала шийпони қурилади, қачон боғча бўлади?» — деб сўрашади. Нима деб жавоб қилишимни билмайман.

Темир Норов бошчилик қилаётган 5-бригада аъзоларини катта тол тагида тушлик қилаётганида учратдик. «Дала шийпони қани?» — деб сўраган эдик, бригада бошлиғи бизга толни кўрсатди.

Колхознинг Ҳамро Қурбонов бошчилик қилаётган 10-бригадада шийпонида бўлдик. Колхозчиларнинг маданий ҳордиқ чиқарадиган севимли жойлари бўлган шийпон қаровсиз ҳолда ётибди. Эшик, дераза ва поллари ремонт талаб, девор суваклари тушиб кетган. Дала шийпонида ташкил қилинган мавсумий болалар боғчасининг аҳволи ачинарли.

Хўш, колхозда ташкил қилинган мавсумий болалар боғчаларининг мудири Раъно Бердиеванинг парвойи фалак бўлиб юришининг боиси нимада?? Қолаверса, Мустафо Норов, Темир Норовлар бошчилик қилаётган бригада аъзоларининг «ана дала шийпони қурилади, мана дала шийпони қурилади» деб алдаб келишининг сабаби нимада? Колхоз правлениесининг раиси Нарзи Шукуров, партия ташкилотининг секретари Абдурахмон Гуллиевлардан юқоридаги саволларга аниқ жавоб беришларини сўраймиз.

Н. ҲУСАНОВ,
Қоракўл райони.

ОШХОНА ҚУРИЛИШИ ЎЛДА-ЖЎЛДА

Санитария техника ускуналари заводи 1971 йилда корхона ишчи-хизматчилари учун янги типдаги чойхона қуриб, уни фойдаланишга топширган эди. Бу ерда чойдан ташқари ишчилар учун палов ва сомса тайёрланар эди. Лекин кейинги пайтда бу чойхона талабга жавоб бермай қўйди. Шу сабабли завод дирекцияси ва ишчилар комитети чойхона ёнида юз ўринли янги ошхона қуриб, уни уч-тўрт ой ичида фойдаланишга топширишни мўлжаллаган эди.

Қурилиш 1978 йилнинг август ойида бошланди. Ҳаш-паш дегунча ошхонанинг деворлари кўтарилди. Кейин қурилиш ишлари бирдан тўхтаб қолди. Қурилиш бошланиши билан ишчиларга чой ҳам, сомса ҳам сотилмайдиган бўлди. Мана, бир йилдирки, заводнинг 800 ишчи-хизматчиси бошқа корхоналарнинг ошхоналарига овқатланиш учун қатнаб, қимматли вақтларини йўқотмоқдалар.

3-ошхона мудири ўрток Тошмўҳамедов завод директори Ю. И. Зяблицев ҳузурига қатнайвериб, бирон натижа чиқаролмади. Чала қолган ишга қор ёғади, деган нақл бор. Завод ошхонаси шундай ётаверса бир неча қишни ҳам кўриши ажаб эмас. Биз қисқа муддатда ишчилар талабини қондирадиган амалий ишга ўтилишини истардик. Бу ҳақда тегишли мутасадди ташкилот раҳбарларидан конкрет жавоб кутамиз.

Н. ОМОНОВ,
Тошкент шаҳри.

ТИНЧЛИК, ҚУРОЛСИЗЛАНИШ, ХАВФСИЗЛИК УЧУН

Планетанинг тараққийпарвар жамоатчилиги, барча яхши ниятли кишилар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш тугаган ва Якунловчи акт имзоланган куннинг тўрт йиллигини нишонламоқдалар. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик совет комитетининг 1 август куни Москвада бўлиб ўтган мажлиси ана шу воқеага бағишланди.

Қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланишга ўтиш, кескинликни юмшатиш йўлидаги энг асосий ишдир, деб таъкидлашди сўзга чиққан нотиқлар. Совет жамоатчилиги Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг ўтган йил ноябрь ойидаги декларациясида ҳамда ташқи ишлар министрларининг шу йил май ойида Будапештда ўтган мажлисида таърифлаб берилган янги таклифларни тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик совет комитети баёнот қабул қилди. Баёнотда таъкидланадики, Умумевропа кенгаши Европа ва бутун дунё учун биринчи даражали аҳамиятга молик мислсиз воқеа бўлди. Кенгаш натижасида Европа қитъасидаги сиёсий иқлим яхшиланди, ҳамкорликнинг турли соҳаларида тараққиёт учун салмоқли негиз яратилди. Якунловчи актда ифодаланган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик узоқ муддатли программаси тинчлик ва ҳамкорлик манфаатлари йўлидаги ижобий ҳаракатларнинг йўналишларини тўғри белгилаб беради.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг АҚШ Президенти Ж. Картер билан Венада олиб борган музокараларининг муваффақиятли тугаганлиги ва СҚЧ-2 шартномасининг имзоланганлиги қуролланиш пойгасини тўхтатиш, бутун халқаро иқлимни соғломлаштириш учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Мажлис қатнашчилари социалистик мамлакатларнинг Европа қитъасида кескинликни ҳарбий жиҳатдан юмшатиш ва қуролсизланиш соҳасидаги янги ташаббусларига Ғарбдаги раҳбарлар ижобий жавоб беришлари заруратини таъкидлагач, Европадаги тинчликсевар кучларни ҳарбий кескинликнинг юмшатилишини қўллаб-қувватлаш йўлида фаол ҳаракат қилишга, Европа жамоатчилигининг шу йил октябрида Брюсселда қуролсизланиш ва хавфсизликка бағишлаб ўтказиладиган анжуманида конструктив равишда фикрлашиб олишга даъват этдилар. **(ТАСС).**

ҲАВАСКОРЛИК САНЪАТИ БАЙРАМИ

Тошкентдаги тўқимачилар маданият саройида 1 август куни Ўзбекистон касаба союзлари ҳаваскор рассомлари ва декоратив-амалий санъат усталари асарларининг республика виставкаси очилди. Шу кунги меҳнат қаҳрамонликлари, жонажон диёрнинг гўзаллиги виставканинг асосий мавзуларидир. Экспозиция биринчи беш йилликнинг 50 йиллигига бағишланган.

Виставка залларига тўрт юздан кўпроқ асар қўйилган. Ю. Комлевнинг «Дебоча» картинаси кўргазмани баайни очиб беради. Рассом 1917 йилда Тошкент темир йўл устаханалари ишчиларининг революцион қўзғолони манзарасини тасвирлаган. Кўпгина полотноларда меҳнат қаҳрамонлари тасвирланган. З. Абдуллаевнинг «Пахта терими», Ҳ. Бобоевнинг «Пахтакорлар» полотнолари шулар жумласидандир. Тўқимачилар маданият саройи халқ тасвирий санъати студиясининг санъат ишқибозлари бошқа асарлар билан бирга ўз корхонасидаги ишлаб чиқариш илғорларидан 12 кишининг скульптура портретини тақдим этдилар.

Виставка тўқимачилар маданият саройида ташкил этилганлиги тасодифий эмас. Бу ердаги тасвирий санъат студияси мамлакатдаги энг йирик студиялардан биридир. Ҳозирги вақтда у катта ёшдаги ва кичик ёшдаги рассомлардан икки юздан кўпроқ кишини бирлаштиради. Ана шу рассомларнинг асарлари Бутуниттифоқ ва халқаро виставкаларда бир неча марта муваффақият билан намойиш қилинди. (ЎзТАГ).

Ч. ҲУСАНОВ.

Ёзувчи ён дафтаридан

ҚАҲРАМОН ҲУЗУРИДА

Мен самарқандлик дўстларимга пастдарғомлик атоқли пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бойтўра ака Кўмаков билан бир суҳбатлашсам, деган ниятим борлигини айтгандим, улар менга:

— Ниятингиз яхши-ю, бироқ бу суҳбат қанақа бўларкин? — дейишди, елкаларини қисишиб. — Биз у одамни ҳазиллашиб индамасларнинг пири, деймиз. У киши дан гап олиш тубсиз қудуқдан пақирлаб сув олишдан ҳам қийин!

— Дўстларимнинг ҳазилига мен ҳам ҳазил билан жавоб бердим:

— У киши индамасларнинг пири бўлса, адабиёт аҳли гап олишнинг пири бўлади. Бир куч синашиб кўрамиз. Гапимиз қовушса нур устига нур, қовушмаса на чора? Лоақал ишларини кўрарман, ўзлари билан танишарман. Масала гапда эмас, ишда-ку, ахир!

Хуллас-калом ҳазил-ҳузул билан: «Бойтўра ака, қайдасиз?» деб йўлга чиқдик.

Аслини олганда, мен севикли шаҳримиз Самарқандга фақат битта мақсадда: кўп йиллардан бери Регистон ансамблида олиб борилаётган улкан қурилиш ишларининг ниҳоясига етиши муносабати билан ўтказилаётган тантанали митингда қатнашиш ниятида боргандим. Шунинг учун бўлса керак, митинг ўтиб, эртасига Пастдарғомга йўл оларканмиз, хаёлим бир бўлажак учрашувга кетса, бир Регистонда қилинган улкан ва гўзал ишларда, майдон ёнида барпо этилган кўркам шоирлар хиёбонида эди... Қадимий Регистон, буюк тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлган, улуғ боболаримизнинг табаррук изларини ҳанузгача сақлаб келаётган кўҳна Регистон, қилинган ишлардан кейин жуда очилиб, кўркига кўрк, салобатига салобат қўшилиб, қандайдир яроқираб кетганди. Илгари тупроққа кўмилиб турган Тиллақори, Шердор ва ҳатто машҳур Улуғбек мадрасаси ҳам, энди қадимги улуғворлигини тиклаб, кўкрак кериб, осмонга бўй чўзиб турибди. Бу муҳташам ансамбль атрофини қуршаб олган илгариги майда дўкон ва дўкончалар олиб ташлангач, майдон ҳам очилиб, ансамблга узвий боғланиб, беқиёс ва кўркам бир манзара касб этган. Мен бутун Самарқанд аҳли, ишчи ва зиёлиларгина эмас, машҳур пахтакорлар, боғбонлар, механизаторлар йиғилган улкан митинг чоғида, Регистонда қилинган ишлар учун партия ва ҳукуматимиз номига айтилган чуқур миннатдорчилик сўзларини эшитар эканман, буюк бобомиз Мирзо Улуғбек тўғрисида, унинг энг сўнгги фожиали дамлари тўғрисида ўйладим. Ўшанда, бундан ярим минг йил муқаддам, буюк бобомиз кўзида халқа-халқа ёш, зимистон тун қўйнида Самарқанд билан видолашиб, Регистон ёнидан отда бош эгиб ўтаркан. Ўз мадрасаси, Расадхона ва кутубхоналарнинг тақдири тўғрисида ўйлаган эди. Бу нодир илм дурдоналарнинг қисмати не бўлади, деган аламли ўй, тизгинсиз гам унинг юрагини шафқатсиз кемирган эди. Лекин бошига қилич келган энг сўнгги, энг оғир дамларда ҳам, Мирзо Улуғбек ҳазратлари Мовуннаҳр осмонини чулғаб олган қора булутлар тарқаб, офтоб чиқажагига, у қилган маърифий ишларининг, йиққан бебаҳо илм хазинаси, қурган мадраса ва расадхоналарининг қадрига етадиган авлодлар туғилажагига иноннган, ҳар қалай, ноумидлик қилмаган, келажакка умид билан қараган эди. Мен Регистонда бўлган халқ шодиёналари вақтида ҳам, эртасига Пастдарғомга кетаётганимда ҳам, шу тўғрида, эзгу ишлари билан улуғ аждодларимизнинг руҳини шод қилаётган самарқандликлар, шу жумладан, Самарқанд деҳқонлари тўғрисида, Улуғбек юртини боғу-бўстонга айлантираётган меҳнаткаш, заҳматкаш кишилар тўғрисида ўйладим.

Мен Регистонда бўлган тантанали маросимдан олдин Пайариқ районига чиққан эдим. Район партия комитетининг биринчи секретари Хайрулла ака Сайдиев билан бирга Карл Маркс номли колхоз ва «Пайариқ» совхози далаларини айланиб, бу хўжаликларнинг раҳбарлари билан, бригадирлар, механизаторлар, сувчилар билан суҳбатлашган эдик. Бу йилги обҳаво, баҳорги ёғингарчилик бутун республика пахтакорларининг зиммасига қандай катта масъулият юклаган бўлса, Пайариқ деҳқонларининг зиммасига ҳам шундай улкан масъулият юклаган. Шунинг учун ҳам районда ёшу қари, ҳамма баробар оёққа турган, ҳамма далада, пахтазорда. Сўнгги бир-икки ҳафта ичида кунлар исиб, ҳарорат кўтарилганидан қуворган пахтакорлар эгатлардан чиқмай, ҳар бир туп гўзани бамисоли ёш болани парвариш қилгандай, парвариш қилмоқдалар. Яхши парвариш қилинаётган гўза яхши ўсиб, тез авж олянти, тез гулга кирянти. Шундай бўлса ҳам ҳали вазнят жиддий, ҳали қилинадиган ишларнинг чеки кўринмайди. Хўш, гўза ривожидаги бу қолоқликни тугатиш учун яна нималар қилмоқ керак? Қандай муайян чоралар кўрмоқ керак? Бу тўғрида Бойтўра акадай тажрибали пахтакорлар нима дейишянти? Улар ўзлари қандай тадбирлар кўрішяпти? Бизнинг Пастдарғомга. ўн йиллар давомида ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам бир хилда юксак ҳосил кўтараётган бу донгдор пахта устасининг ҳузурига боришдан мақсадимиз ҳам шу — унинг ишлари, унинг режалари билан танишиш эди!

Пастдарғомдаги Бойтўра Кўмаков ишлаётган Карл Маркс номли колхоз ҳам кўп йиллардан бери ҳосилдорликда рекорд қўйиб келаётган колхозлардан. Колхоз бу йил давлатга ўн икки минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олган. Ҳолбуки обҳаво жиҳатидан Пастдарғом Пайариқдан ҳам салқинроқ, бу ерда ёғингарчилик ҳам кўп бўлган. ғўзалар қайта-қайта экилган...

Карл Маркс номли колхознинг раиси Жониқул ака Юсупов ҳам Бойтўра Кўмаковга ўхшаган ҳосилдорликда ном чиқарган пахта усталаридан. Бўй-басти кўп келишган, юзи офтобда мис баркашдай қорайиб кетган бу одамнинг қиёфаси, юриш-туришлари қанчалик шиддатли бўлса, гап сўзлари ҳам шундай шиддатли эди.

— Дунёда ҳамма нарсанинг отаси меҳнат! — деди Жониқул ака, чўяндай қоқора, катта муштини тугиб. — Бу йилги пахтани пахта қиладиган ҳам — меҳнат! Демак, пахта бўлади! Негаки, бу йилгидай меҳнат ҳеч қачон бўлган эмас! Ҳеч қачон! Мана, Бойтўра айтсин!

Биз эшикдан кириб келган Бойтўра акага қизиқсиниб қараймиз. У ҳам раисга ўхшаш новча, чўпдай озғин, офтобда қорайиб кетган юзи ҳорғин, сарғиш кўзлари кирпайиб қолган.

— Ҳа, нега индамайсан? — деди Жониқул ака кулимсираб. — Гапириб бермайсанми қилган ишларингни?

Бойтўра ака индамай елкасини учиради

— Далага чиқишсин. Кўзлари билан кўришсин қиладиган ишимизни!

Бойтўра аканинг даласи қишлоқ марказининг шундоқ ёнбошида, сал нотекисроқ адирларга жойлашган. Мана, салкам ўн йил бўптики, бригада икки юз ўн-икки юз ўн бир гектар жойга пахта экади. 1971 йили шу майдоннинг ҳар гектаридан олтмиш центнер ҳосил кўтаргани учун Бойтўра ака Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвон олган.

Шундан буён бирор йил бўлмаганки, бригада бу юксак маррадан чекинган бўлса. Ҳатто бултурги оғир обҳаво шароитида ҳам Бойтўра ака гектаридан олтмиш бир ярим центнер ҳосил олган. Бу йилги мажбурият эса бултургидан ҳам юксак — гектаридан олтмиш беш центнер!...

Биз Бойтўра ака билан бригада далаларини аста айланамиз, сувчилар, механизаторлар билан танишамиз. Улар орасида Рашид Ражабалиев, Мусилмон Эргашев каби моҳир тракторчилар, Турсунқул Файзиев, Рўзимурод Бойқобиловга ўхшаган устаси фаранг сувчилар бор. Биз далаларни айланиб чиқандан кейин шийпонга йиғилиб, узоқ гурунг қиламиз.

Шунда даврага йиғилган ва Бойтўра ака билан бирга ўн йиллар давомида бир ёқадан бош чиқариб ишлаётган йигитлар бригадирнинг оғизларда латифага айланган машҳур индамаслигини «тўлдиришади», бирда чин, бирда ҳазил-мутойиба билан бошларидан ўтган кўп воқеаларни эслашади. Аста-секин Бойтўра аканинг ўзига хос тарихи, босиб ўтган йўли, кечмиш-кечирмишлари, меҳнати ва меҳнатдан топган обрўси — ҳаммаси ойдинлашади.

Бойтўра ака асли Қашқадарёдан. Унинг болалиги Косон томонидаги дашт қишлоқларида ўтган. Ота-боболарининг касби чўпонлик бўлган. Лекин Бойтўра ака болалигидан деҳқончиликка, боғроққа меҳр қўйган. 1948 йили 50 гектар ерга пахта экадиган колхознинг бутун бир звеносига бошчилик қилган. 13 центнердан ҳосил олган!

Суҳбат шу ерга келганда даврадаги йигитлардан бири «Ҳа рекорд қўйган эканлар да, Бойтўра ака!» деб хитоб қилди-ю, «гурр» кулги кўтарилди.

Ҳосил бу даражада паст бўлишининг бир сабаби сувсизлик эди. Буни тушунган Бойтўра ака сув қидириб Пастдарғомга келади. Эллик тўққизинчи йили уни бригадир қилиб сайлашади. Ўша йили Бойтўра ака ўттиз беш гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан йигирма уч центнер ҳосил кўтаради. Бу ўша давр учун яхшигина ҳосил ҳисобланарди!..

Биз бесихтиёр рақамларни таққослаймиз. Ўтган ўн йил давомида бригаданинг пахта майдони қарийб етти марта, ҳосилдорлик эса сал кам уч баравар кўтарилибди!

Биз яна далаларни айланамиз, яна рекорд ҳосил олиш сирларини илғаб олишга уриниб, камгап бригадирни гапиртиришга ҳаракат қиламиз.

Албатта, ўтган йигирма йилда республикамизда деҳқончилик маданияти ниҳоятда ошди. Пахтакор халқимиз қудратли техника билан таъмин этилди. Ўғитлар кўпайди. Ерларнинг планировкаси яхшиланди. Лекин шунга қарамасдан ҳосилдорлик ҳар жойда ҳар хил. Ҳар жойдагина эмас, бир район ва ҳатто бир колхознинг ўзида ҳам ҳар хил.

Мана, Бойтўра аканинг пахтаси. Ғўзалар тиззага келиб, текис гуллаб турибди. Кўп жойларда кўсак туга бошлаган. Лекин ёнгинасидаги бошқа колхоз бригадасида манзара тамом бошқача. Ғўзалар эндигина тўпиққа келган, эндигина гулга кира бошлаган. Эҳтимол бу қўшни бригадада тракторлар ўздир, ўғит камроқ ажратилгандир!

«Ўғит» сўзини эшитганда «индамас» бригадиримиз тўсатдан тилга киради.

— Йўқ! — дейди у, ҳаяжонланиб. — Биз ўғитни экилган пахта майдонимизга қараб баравар оламиз. Мен бунга қўшилмайман. Ўғит гектарга қараб эмас, олинадиган ҳосилга қараб тақсимланиши керак. Ахир ўғитни экилган майдонга қараб олайлигу, бу бригада, масалан, ўттиз центнердан берсин, биз бўлсак отмишдан берайлик. Бу тўғри эмас-да, ахир!

Эсимизга яна Жониқул аканинг ҳамма нарсанинг отаси меҳнат, деган гаплари тушади. Чунки Бойтўра аканинг ишлари, рекорд ҳосил олиш сирлари билан танишар эканмиз, бу муваффақиятлар ахир пировардида меҳнатга, ўз ишига бўлган чексиз меҳрга боғлиқ эканини кўрамиз. Бу меҳр эса уни тинмай ўйлаш ва изланишга, ишни илмий асосларга қуришга, адиблар тили билан айтганда, ижод қилишга даъват этади. Бойтўра ака, масалан, алмашлаб экишни жуда жойнга қўйган У ҳар йили ўттиз гектар майдонга беда экади, яна ўттиз гектар жойга алоҳида ишлов беради. Бу майдоннинг ҳар бир гектарига йигирма беш тоннадан маҳаллий ўғит солади. Демак, икки юз ўн гектар жойнинг қарийб учдан бирини ташкил қилувчи бу сара майдон ҳар уч йилда бир марта алмашиб турилади. Бу деган сўз бригада ерлари ҳеч қачон «чарчамайди», ҳеч қачон ҳосилдорлик хусусиятини йўқотмайди, деган сўздир!

Чуқур ўйланган, ҳам илм, ҳам халқ тажрибаларига асосланган пухта метод!.. Албатта, бу методни амалга ошириш осон эмас, чунки ҳар бир гектар жойга йигирма беш тонна маҳаллий ўғит солиш «ўзи бўлмайди». Лекин бригадада қўл меҳнатига зўр бериш йўқ, механизацияга эътибор жуда катта. Эрта баҳорда бўладиган ишлардан тортиб, то ҳосилни териб олишгача — ҳамма оғир ишлар техника зиммасига юкланган. Бултур, масалан, кўтарилган ҳосилнинг 70—75 фоизигача машиналарда териб олинган!..

Бугунги долзарб кунларда ҳам бу машҳур бригада асосан, шу уч нарсага суяниб иш қиляпти, дейиш мумкин. Бу — техника, такрор-такрор культивация, маҳаллий ўғит, сув! Албатта, бу ишлар шунчаки қўл учида эмас, жон қуйдириб, қалб қўри билан, асл деҳқонга хос бир меҳр билан қилиняпти!

...Бригада шийпонида гурунг давом этади. Даврадагилар бу йилги оғир об-ҳаво шароитини, кўкламги ёмғир, дўл ва совуқларни, ҳар бир чигит, ҳар бир туп гўза учун курашган дамларни эслашаркан, бултур ўз мажбуриятларини бажарган кунни алоҳида бир ифтихор билан тилга олишади. Ўша куни бригада шийпонида область миқёсида пахтакорлар мажлиси ўтказилади. Область партия комитетининг биринчи секретари Бектош Раҳимович Раҳимов бригада аъзоларини улкан ғалаба билан табриклаб, область пахтакорларини ғолиблар изидан боришга чорлагач, Бойтўра Кўмаковга янги «Волга»нинг калитини топширади...

— Бу йил ҳам кам бўлмайди, — дейди Бойтўра ака. суҳбатга қўшилиб. — Бултургидан ёмон бўлмайди.

— Машинани айтяпсизми, Бойтўра ака?

— Йўқ, ҳосилни айтяпман...

Даврада «гурр» кулги кўтарилади.

Ҳа, ҳаётда шундай қувончли ҳодисалар бўладики, бу ҳодисалар инсон чеккан ҳамма қийинчиликларни ювиб кетади. Пахтакор ҳаётида бу ҳодисалар ҳамиша меҳнат якуни, меҳнат ғалабаси билан боғлиқдир.

Мен юзлари офтобда чўяндай қорайиб кетган, лекин ўзлари хушнуд бригада аъзоларининг ҳазил-мутойиба гапларига қулоқ солиб, аста кулимсираб ўтирган Бойтўра аканинг чеҳрасига зимдан назар ташлар эканман, бу аҳил коллективга бултургидан ҳам улкан зафарлар тилайман.

Бойтўра Кўмаков бригадасида қилинаётган ишлар, кузги ғалаба учун бўлаётган кураш таҳсинга сазовор, чунки бу кураш бутун область пахтакорларининг ғайратига-ғайрат, ишончига ишонч қўшмоқда.

Одил ЕҚУБОВ.
Самарқанд — Тошкент.

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМЛИ СОВХОЗДА

Гулистон, («Совет Ўзбекистони» махсус мухбири). Ильич районидаги Ғафур Ғулом номли совхоз чўлқувварлари 2300 гектар майдондаги ғўзани меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Бепоён пахтазорлардаги ғўзалар яхши ривожланмоқда.

— Ҳар бир туп ғўза деҳқон ардоғида бўлсин, деган шиор остида меҳнат қилаётган баҳодир деҳқонларимиз 5500 тонналик улкан хирмонга пухта замин ҳозирлаётирлар, — дейди совхоз директори Аҳмад Қулбеков — Ҳозирдаёқ баравж ғўзаларимизнинг ҳар бирида тўрт-бештадан бўлиқ кўсак ҳосил бўлди, шона ва гул ундан ҳам кўп. Ҳосил нишоналарининг нобуд бўлишига асло йўл қўймаймиз.

Шу кунларда Ғ. Ғулом номли совхоз пахтазорларида бўлган киши қизғин меҳнат устидан чиқади. Далаларда 42 та чопиқ трактори юксак унум билан ишлатилиб, кунига ҳар бири бирдан 7—8 гектар майдондаги ғўза қатор ораларига сифатли ишлов берилмоқда. Пўлат Мамарасулов, Эргаш Ҳасанов, Бозорбой Эшматов каби дала гвардиячилари бу ишда алоҳида ўрнак кўрсатмоқдалар.

Сув — зар, сувчи — заргар, дейди халқимиз. Совхозда ғўзаларни обиҳаётга тўйдираётган бундай миришкорлар оз эмас. Шукурали Суяров, Қўниш Абдураимов, Тўхта Омонлиқовлар шулар жумласидандир.

5500 тонналик пахта ҳосилининг 90 процентини машиналар ёрдамида териб олишга отланган Ғ. Ғулом номли совхоз механизаторлари техника ремонтини ҳам уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар.

ЯНГИ ТРЕСТ

БУХОРО областида янгидан тузилган 17-қишлоқ қурилиш трестининг ишлаб чиқариш базаси вужудга келтирилди. Трест шу йилнинг ўзидаёқ 8 миллион сўмлик иш бажаради. Бинокорлар Шофиркон, Қизилтепа ва областнинг бошқа районларида уй-жой, мактаб, болалар боғчалари биноларини, маданий-маиший объектларини қуришни кўзда тутмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР ҲАРАКАТИ

ВАРШАВА. Рационализаторлик ҳаракати ПХР экономикасини янада юксалтириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг даражасини ошириш учун курашда муҳим омил бўлди. Мамлакатнинг барча йирик корхоналарида мана шу энг муҳим халқ хўжалик вазифаларини ҳал этишда техника ва рационализация клублари фаол роль ўйнамоқда. Ҳозирги вақтда Польшада қарийб 250 минг рационализатор ва ихтирочини ўз сафларида бирлаштирган 5800 та шундай клуб ишлаб турибди.

Завод новаторлари армияси ўтган йилнинг ўзидагина қарийб 310 мингта ҳар хил таклифларни илгари сурди. Бу таклифлардан 200 мингтадан кўпроғи саноатнинг турли тармоқларида жорий этилди. Ўтган йили рационализаторлик таклифларининг жорий этилганлигидан олинган иқтисодий самара рекорд даражага — 25 миллиард злотихга етди.

ПОЙАФЗАЛЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Тиргу-Фрумос шаҳрида ҳар йили 500 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқара оладиган янги оёқ кийимлари фабрикаси ишга тушди. Яқин келажакда бу ерда яна битта фабрика қурилади ва иккала фабрика ҳар йили бир миллион жуфт пойафзал ишлаб чиқара оладиган йирик комбинатга айланади. Корхонада ҳозирнинг ўзидаёқ 200 моделда юксак сифатли пойафзал ишлаб чиқарилмоқда.

Шу беш йилликда Руминияда енгил саноатни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда Шу йилнинг ўзидагина 120 милион жуфтдан зиёд эркаклар ва аёллар пойафзали ишлаб чиқариш мўлжалланади.

ИЛҒОР КОРХОНА

БЕРЛИН. «Буна» химия комбинати маҳсулоти жаҳоннинг 50 мамлакатида шуҳрат қозонган. Комбинат маҳсулотининг учдан бир қисми чет мамлакатларга чиқарилмоқда.

Совет мутахассислари ёрдамида тикланган бу комбинат қисқа вақт ичида ГДР химия индустриясининг илғор корхонаси бўлиб қолди. У ҳозирги вақтда 800 турда ҳар хил буюмлар ишлаб чиқармоқда ва мамлакатнинг сунъий каучукка, ҳар хил пластмассага ва карбидга бўлган эҳтиёжини таъминламоқда.

«Буна»нинг халқаро миқёсда шуҳрат қозонганлиги унинг Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида социалистик иқтисодий интеграция ва ҳамкорлик программасида актив қатнашганлигининг натижасидир. Комбинат Совет Иттифоқидаги ва бошқа қардош социалистик мамлакатлардаги 60 та илмий муассаса ва турдош заводлар билан мустаҳкам алоқа боғлаган.

ОЛТИ ОЙЛИК ИШЛАР ЯКУНЛАНДИ

УЛАН-БАТОР. Еш индустрия шаҳри — Эрдэнэтдаги саноат корхоналари, хўжалик ва маданий-маиший ташкилотлар ҳамда муассасалар 1979 йилнинг дастлабки олти ойи учун белгиланган план топшириқларининг бажарилишини якунладилар.

Социалистик мусобақа натижаларига кўра, Монголия—Совет «Эрдэнэт» кон-саралаш комбинатининг интернационал коллективи биринчи ўринни эгаллади. Комбинат мис-молибден рудаси қазиб чиқариш ва қайта ишлаш программасини муддатидан илгари тўла бажарди.

(ТАСС).

РУС ТИЛИНИ ЎРГАНИШМОҚДА

Тулон университетининг студентлар шаҳарчасида рус тилидан дарс бериш ва бу тилни ўрганиш масалаларига бағишланган ва ҳар йили ўтказилиб турилади ган Совет—Француз семинари тамом бўлди. Бу семинарни «Франция — СССР» жамияти уюштирди.

Семинар ишида Франциядаги кўп университетлар ва Совет Иттифоқи олий ўқув юртларининг олимлари, ўқитувчилари, студентлари қатнашдилар. Совет педагоглари семинар вақтида французларни рус тили ва адабиётини ўрганишнинг янги методлари билан таништирдилар. Ҳар икки мамлакатнинг мутахассислари бу соҳада тўпланган тажрибани айирбошладилар.

«Франция—СССР» жамиятининг миллий секретари В. Мачабелли ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: Франция рус тилини ўрганиш мамлакатларимиз халқлари ўртасида ҳамжиҳатлик ва анъанавий дўстликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир.

Ҳозирги вақтда Франциянинг кўп университетларида рус тилидан дарс берилмоқда 25 мингдан зиёд мактаб ўқувчиси рус тилини ўрганмоқда. «Франция—СССР» жамияти ташкил этган тил курслари ҳаммага манзур бўлиб қолди, бундай курслар 53 департаментда доим ишлаб турибди. Студентлар, ўрта мактабларнинг ўқувчилари, турли касб эгалари бу курсларда шуғулланмоқдалар. Франциядаги илмий ва ўқув муассасаларида ишлаётган совет мутахассислари машғулотларни ўтказишда бизга жуда катта ёрдам бермоқдалар.

Ўз ишини тугаллаган Совет—Франция семинари Франция билан СССР ўртасидаги ҳар томонлама, ўзаро манфаатли маданий ҳамкорликнинг яна бир намунасидир. Бу ҳамкорлик кўп соҳаларда муваффақиятли ривожланмоқда.

Яқинда Москвада олий даражада олиб борилган музокараларда, деди сўзининг охирида В. Мачабелли, Францияда рус тилидан дарс беришни янада кенгайтиришни кўзда тутган битим имзоланди. Бу битим неча ўн минглаб французларнинг Совет Иттифоқи билан, совет кишиларининг ҳаёти билан яқиндан танишувлари учун имконият туғдиради.

(ТАСС).

ЛОНДОН. Бу ерда Зимбабве халқи билан бирдамлик намойиши бўлиб ўтди. «Зимбабвега озодлик!», «АҚШ ва Англия — Зимбабведан қўлингни тортI» — ана шундай шиорлар остида Лондон кўчалари бўйлаб ўтган намойиш қатнашчилари Трафальгар майдонига келишди. Бу ерда оммавий митинг ўтказилди. Суратда: намойиш қатнашчилари Лондон кўчаларидан ўтиб бормоқда.

А. Шальнев фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

ҚЎШМА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

МАНАГУА. Никарагуа Миллий тикланиш муваққат демократик ҳукумати ва Сандино номли Миллий озодлик фронти раҳбарларининг қўшма матбуот конференцияси ўтказилди.

Сандино номли Миллий озодлик фронти раҳбарларининг аъзоси Байардо Арсе, ўз нутқида Никарагуанинг бутун халқи бу фронтни кенг қўллаб-қувватлаганлиги натижасида Сомоса диктаторлик режимини ағдариб ташлаш мумкин бўлди, деб таъкидлади. Никарагуа революцияси, деди у, аввало, кенг халқ оммасининг — ишчилар, деҳқонлар ва хизматчиларнинг манфаатларини кўзлаб ривожланаверади. Диктатурани ағдариб ташлаш учун курашган барча кучлар бирлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, — деб уқтириб ўтди Б. Арсе, — революцион жараённи бундан буён яна ҳам муваффақиятли ривожлантириш шартидир. Бу —ички ва ташқи реакциянинг ҳар қандай кирдикорларига қатъий зарба беришнинг заруР замини, гаровидир.

Муваққат демократик ҳукумат раҳбар кенгашининг аъзоси Даниэль Ортега бундай деди: Сандино номли Миллий озодлик фронти қуролли кураш йўлига ўтишга мажбур бўлди, чунки диктаторлик шароитларида бу фронт очиқ воситалар ёрдамида кураш олиб бориш — сайловда қатнашиш, касаба союзларида ва деҳқонлар ўртасида иш олиб бориш имкониятидан маҳрум этилган эди.

Сандино номли Миллий озодлик фронти деб таъкидлади Д. Ортега, Никарагуанинг бутун халқи билан биргаликда Сомосанинг жиноятчи шайкаларига қарши жанг қилиб, озод қилинган территорияларида сиёсий ва маъмурий ҳокимиятни уюштириш вазифаларини ҳам ҳал этди. Ҳозирги вақтда, деди у, сўзини давом эттириб, Муваққат демократик ҳукуматининг раҳбар кенгаши давлатни бошқариш аппаратини вужудга келтириш соҳасида иш олиб бормоқда. Бунда халқ оммасининг сиёсий, ташкилий ва хўжалик ишларида ғоят кенг қатнаштиришга эътибор берилади. Ҳарбий соҳада Сандино халқ армиясини мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда. Революцион ғалабаларни ҳимоя қилиш вазифаси шу армия зиммасига юкланади. Д. Ортега армиянинг бош штабини вужудга келтириш — шу йўналишдаги энг муҳим ишларнинг бири бўлади, деди.

Ер ислоҳоти ишлари бошқармасининг директори, Сандино номли Миллий озодлик фронти бирлашган раҳбарлигининг аъзоси Хаймс Уилок бундай деди: Никарагуада ер ислоҳотини амалга ошириш-дан кузатилган мақсад, аввало, ерсиз деҳқонларни ва бир гектаргача ер участкаси бўлган кам ерли деҳқонларни ер билан таъминлашни кўзда тутади. Бир қанча районларда, дейди у, Сомосанинг ва Сомоса ғумашталарининг мусодара қилиб олинган ерлари деҳқонлар ихтиёрига топширила бошланди. Бу районларда Сандино номли Миллий озодлик фронтининг ёрдами билан қишлоқ хўжалик кооперативлари вужудга келтирилмоқда.

(ТАСС).

ВИЗИТ ТАМОМ БЎЛДИ

ТРИПОЛИ, (ТАСС). Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси. Куба Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Гильермо Гарсиа Фриаснинг Ливияга қилган визити тамом бўлди. Музокаралар давомида экономика, савдо-сотиқ соҳасида икки томонлама муносабатларни янада кенгайтириш, шунингдек блокларга қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Гаванада ўтказиладиган конференциясига тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди.

ПОРТУГАЛИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ЛИССАБОН, 1 август. (ТАСС). Бугун пойтахтдаги Ажуда саройида Португалия янги ҳукумати министрларининг қасамёд этиш маросими бўлди. Мамлакат тарихида биринчи марта ҳукуматни аёл киши — Мария ди Лурдиш Пинтассилгу тузди.

Президент А. Рамалью Эанеш кабинетга бошчилик қилишни унга топширди. Ялпи оралиқ сайловга тайёргарлик кўриш бу кабинетнинг вазифаси бўлади. Сайлов кескин ва узоққа чўзилган сиёсий тангликни бартараф этиш мақсадида ўтказилади.

К. Мота Пинту бошчилигидаги кабинет барбод бўлгандан кейин Португалияда сўнгги ҳукумат танглиги бошланган эди. К. Мота Пинту сиёсати ўнг кучларнинг португал халқи революцион ғалабаларига — аграр ислоҳотга, национализацияга, корхоналардаги ишчилар назоратига ҳужум қилишига объектив равишда кўмаклашди. Меҳнаткашларнинг кенг норозиликлари ва парламентда демократик партияларнинг оппозицияда туриши туфайли бу кабинет истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

Янги ҳукумат аввалги ҳукуматга нисбатан анча ўзгартирилди. Унинг составига 16 министр ва бош министр ҳузуридаги давлат секретари аъзо бўлиб кирди. Энди у ўз программасини республика мажлисига кўриб чиқиш учун тақдим этиши керак. Бу программа маъқулланган тақдирда, конституцияда кўзда тутилганидек, уч ойлик муддат ичида ялпи сайлов ўтказилишини тайёрлаши лозим бўлади.

ЙЎЛДОШ УЧМАДИ

НЬЮ-ЙОРК, 1 август. (ТАСС). Маҳаллий кузатиш хизматларининг маълумотларита кўра, Хитойда ер сунъий йўлдошини орбитага чиқариш мақсадида учирувчи ракета ўт олдирилган. Учирувчи ракетадаги носозлик боисидан йўлдош орбитага чиқмаган. Ракетанинг парчалари ХХР территориясига тушган.

Шундай қилиб, йўлдош учириш тўртинчи марта муваффақиятсиз чиқди.

АРАБЛАР АНЖУМАНИ

ТРИПОЛИ, (ТАСС). Бу ерда Умумараб халқ конгресси доимий секретариатининг тўртинчи сессияси ўз ишини бошлади. Ана шу оммавий ижтимоий-сиёсий ташкилот 17 араб мамлакатининг 100 дан ортиқ сиёсий партия, тараққийпарвар ташкилотлар, касаба союзлари, хотин-қизлар ва студентлар ташкилотларини бирлаштиради.

Сессия қатнашчилари кун тартибига мувофиқ Миср — Исроил сепарат битимининг имзоланиши натижасида Яқин Шарқда рўй берган вазиятни муҳокама қиладилар ва империализм, сионизм ҳамда реакция кучларининг араблар бирлигига путур етказиш ва регионда АҚШ ҳамда Ғарб монополияларининг ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадини кўзда тутган фитналарига қарши ҳаракат программасини биргаликда ишлаб чиқадилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ ХАНОЙ. Вьетнам информация агентлиги хабар берди: ВСР Ташқи ишлар министрлиги Вьетнам чегарасида Пекининг ҳарбий хуружлари давом этаётганлигига қарши қатъий норозилик билдирди. ВСР Ташқи ишлар министрлиги шу хусусда Хитой Ташқи ишлар министрлигига йўлланган нотасида Хитой қўшинларининг қуролли бўлинмалари чегарани яна бузиб ўтганлиги, тўп ва миномётлардан Вьетнам территориясини ўққа тутганлигига доир янги фактлар келтирилди. Уққа тутиш натижасида тинч аҳоли ўртасида қурбонлар бор. Кўп уйлар, хўжалик иморатлари ёндирилган ва вайрон қилинган, экинларга зарар етказилган. Вьетнамнинг қуролли кучлари чегарани бузиб ўтганларни ўз территориясига чекинишга мажбур қилдилар, деб таъкидлаб ўтилади нотада.

✦ ЛАГОС. Нигерия ҳукумати Англиянинг «Бритиш петролеум» нефть компаниясига қарашли ҳамма акциялари давлат назоратига ўтганлигини эълон қилди. Бу компания Англия—Голландиянинг шу мамлакатда ишлаб турган «Шелл-Бритиш петролеум» консорциуми составига киради. Компаниянинг барча хизматчиларига бир ой ичида Нигериядан чиқиб кетиш таклиф қилинди.

Ҳукуматнинг бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилган: «Бритиш петролеум» компанияси Жанубий Африка Республикаси ирқчиларига нефть етказиб берганлиги сабабли бу чора амалга оширилди.

✦ БАЙРУТ. АҚШнинг махсус топшириқлар бўйича элчиси Р. Страус Исроил томонидан босиб олинган араб территорияларига «маъмурий автономия» бериш тўғрисидаги музокаларда фаластиниклар қатнашади, деган эди. Фаластин Озодлик демократия фронти Р. Страусининг шу гапини қатъиян рад этди.

Америка расмий кишиларининг шу хилдаги гаплари, деб таъкидлади фронт вакили, Фаластин қаршилик ҳаракати сафига ифоқ солишни ва Миср—Исроил битими сепарат битим эканини иқоблашни кўзда тутади.

(ТАСС).

СУД ҚАРОРИ

ТЕҲРОН. (ТАСС). Эронда ағдариб ташланган шоҳ режими гумашталари устидан суд процесслари давом этмоқда. Улар тинч аҳолини қўплаб отишда, порахўрликда ва Эрон халқига қарши бошқа жиноятларни қилишда айбланадилар. Исфаҳон шаҳридаги ислом революцион суди шоҳнинг маҳфий охранкаси САВАКнинг собиқ агентларидан яна бирини ўлим жазосига ҳукм қилди. Шундай қилиб, революцион трибуналларнинг ҳукми билан қатл этилганлар сони 390 кишига етди.

ЯНГИЛИКЛАР

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИДАН

ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ

ҚОДИРЖОН ҲАЙДАРОВ МАКТАБИ

Ёғоч буюмларга нақш солдиган қўқонлик донгдор уста Қодиржон Ҳайдаров очган амалий санъат студиясини йигит ва қизларнинг биринчи группаси битириб чиқди. Ёш усталар янги колхоз клублари, маданият саройларини безашга, халқ меъморчилиги ёдгорликларини тиклашга киришдилар. Саксон яшар уста ўз ишини ёшлар давом эттираётганидан гоят хурсанд. Кекса уста отаси уста Ҳайдар Нажмиддиновдан ўрганган қадимги санъат «сирларини» ҳавас билан ёшларга ўргатмоқда, деб ёзади ЎзТАГ мухбири В. Татаринов.

Ўзбекистон халқ рассоми, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Қодиржон Ҳайдаровнинг номи жонажон ўлкадан ташқарида ҳам донг таратган. У узоқ умр кўриб, гоят хилма-хил ашёлар: диванлар, қутилар, хонтахталар, эшиклар, устунларга нафис гуллар солган. Унинг асарларини Москва, Ленинград, Тошкент музейларида, мамлакатнинг кўпгина бадиий салонларида, колхоз маданият саройларида кўриш мумкин. Улар Бутуниттифоқ ва халқаро виставкаларда Ўзбекистон амалий санъатини неча бор намоён этган.

Уста Қодиржон 1923 йилда В. И. Ленинга ҳадя этган саккиз қиррали стол ва учта табурет билан айниқса фахрланади. Ҳозир улар Ленининг Горкидаги уй-музейида сақланмоқда. Уста биринчисининг аниқ нусхалари бўлган иккинчи ва учинчи шундай стол ва табуретларни Ульяновскдаги Ленин мемориалига ҳамда В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига тортиқ қилди.

Халқ устаси 1977 йилда эса Ленин партиясининг амалий санъатини ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлигидан миннатдорчилик белгиси сифатида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга ҳам шундай ўймакор стол ва табуретларни юборди.

Ҳозир Қодиржон Ҳайдаров Тошкент киноконцерт зали учун ўймакор эшик эскизини ишлаб бўлди.

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

САМАРҚАНДДАГИ «Серп и Молот» комбинати шарқий Сибирнинг шаҳар ва посёлкаларига юборган сабзавот ва мева консерваларининг биринчи туркумларига олий Сифат белгиси қўйилди. Корхона бу йил савдо шохобчаларига юқори сифатли маҳсулот етказиб беришни анча кўпайтиради. Комбинатда асбоб-ускуналар янгиланган. Бу эса харидорларга айниқса манзур бўлган мураббо, қиём тайёрлашни анча кўпайтиришга имкон беради.

ФАБРИКА ҚУВВАТИНИ ОШИРМОҚДА

НАМАНГАН паррандачилик фабрикаси графикдан ўзиб ишламоқда. Бу ерда йил бошидан бери 10 миллион дона тухум тайёрланди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 3 миллион кўп. Бу ўсишга паррандалар сонини кўпайтириш туфайли эришилди. Ўтган йил 225 минг товуқ боқилган бўлса, бу йил уларнинг сони 320 мингтага етди.

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Шу кунларда Наманган область матлубот союзининг кўчма дўкон ҳайдовчилари зарбдор вахтада турибдилар. Ҳар куни ўтган йилдагидан 26 та кўп, яъни 150 та магазин-автомобиль далаларга чиқарилади. Сотувчисиз дўконлар анча кўпайтирилди. Колхозлар ва совхозларнинг дала шийпонларида шу кунларда 580 та саздо шохобчаси ишлаб турибди.

САЛОМАТЛИК КОМПЛЕКСИ

Жонажон Коммунистик партия ва Совет давлати халқимиз саломатлиги йўлида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Учинчи беш йилликда республикамиз шаҳар ва қишлоқларида замонавий касалхона ва дорихоналарнинг кўплаб ишга туширилиши мўлжалланяпти.

Беш йиллик бошидан буён 300 та янги дорихона бинолари ишга туширилди. Биноларнинг аксарияти типовой лойиҳа асосида барпо этилган. Фарғона, Қарши шаҳарларида, металлурглар шаҳри — Олмалиқда, гидросозлар посёлкаси — Пачкамарда янги дорихоналар очилди. Нукус, Бухоро ва Наманган шаҳарларида техника билан жиҳозланган дорихона омборлари қурилди. Бир сўз билан айтсак, дорихоналар ва омборлар қуриш ҳамда уларни жиҳозлаш учун ўнинчи беш йилликнинг ўтган йиллари ичида 5 миллион сўм маблағ ажратилди.

Куни кеча пойтахт областининг Бўка районида энг йирик кўп профилли қишлоқ касалхонаси очилди. Касалхонада бир вақтнинг ўзида 450 бемор қабул қилиниши мумкин. Бу ерда 9 ихтисослашган бўлим бор. Шифохона учта тўрт қаватли корпусдан иборат. Беморларни қабул қилиш, уларни даволаш хоналарида замонавий медицина асбоб-ускуналари ўрнатилган. Ҳар бир қаватда видеотелефонлар ўрнатилган.

Яратиб берилган бу қулайликлар беморларнинг тезда соғайиб, меҳнат қучоғига қайтишларига имкон беради. Кўплаб малакали медицина ходимлари уларнинг тез кунда соғайишлари йўлида ҳормай-толмай ишлашга шай бўлиб туришибди.

Суратларда: шифохонанинг умумий кўриниши ҳамда саломатлик посбонлари иш устида.

Г. Пун фотолари. (ЎзТАГ).

СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ЁЗГИ VII СПАРТАКИАДАСИ

Суратларда: (юқоридан пастга) СССР халқлари ёзги VII Спартакиадасида муваффақиятли қатнашаётган ўзбекистонлик спортчилардан камонда отиш бўйича мерган Ольга Робова ва моҳир гимнастикачи Ирина Гурко.

Ҳ. Ҳайдаров фотолари. (ТАСС—ЎзТАГ).

МАҲОРАТ КЎРИГИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАХСУС МУХБИРИ Ҳ. НОСИРОВ МОСКВАДАН ХАБАР ҚИЛАДИ

◆ УСАН ОМАРОВНИНГ БРОНЗА МЕДАЛИ

◆ ВЛАДИМИР ШИН — ОЛТИН МЕДАЛГА ДАЪВОГАР

◆ МОСКВА ВА ГРУЗИЯ ФУТБОЛЧИЛАРИ ФИНАЛДА

Спартакиада иштирокчилари сўнгги медаллар ва очколар учун курашмоқдалар. Бугун спортнинг барча турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Баскетбол, волейбол, камон отиш бўйича голиблар ҳамда 65 килограмм вазнли дзюдочилар билан, 110 килограмм вазнли оғир атлетикачиларнинг маҳорати тақдирланди. Фахрли ўринларга кўтарилишга мушаррраф бўлганларга 7 комплект медаль тақсимланди.

Чарм қўлқоп усталарининг баҳслашувида икки вакилимиз ярим финалга йўлланма олган эди. Спартакиаданинг бронза медалини нақд қилиб қўйган Усен Омаров билан Владимир Шин ярим финал учрашувини ҳам ўтказдилар. 48 килограмм вазнли боксчилар билан куч синашган У. Омаров ярим финал учрашувида имконнятни бой берди. У грузиялик спорт мастери Олег Деулин билан учрашиб, қийин курашда очколар ҳисобида енгилиб, ўйиндан чиқишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, мусобақа низомига кўра, У. Омаров голиблик супасининг учинчи ўрнига кўтарилди ва бронза медалини олади.

75 килограмм вазнли чарм қўлқоп усталарининг учрашувлари мухлисларда катта қизиқиш уйготди. Улар сафида кучли боксчилар сараланди. Вакилимиз Владимир Шин ҳам ана шундай боксчилар билан курашиб, ярим финалга йўлланма олган эди. У биринчи учрашувда литвалик А. Литвинасни, белоруслик Ю. Торбекни мағлубиятга учратиб, мухлисларни мамнун этди. Ярим финал учрашувида Владимир молдаван боксчиси Виктор Калиш билан беллашди. Спорт мастери, ўн йилдан бери бокс билан шуғулланиб, жами 195 учрашувда 180 марта ғалабага эришган Виктор Калиш боксчимиз билан қаттиқ олишди. Биринчи раунд тенг олишувда ўтган бўлса ҳам, Владимирнинг устунлиги сезилиб турди. Ўйиннинг иккинчи қисмида Владимир техник, тактик жиҳатдан мутахассисларга маъқул келадиган ҳаракатлар қилиб бир неча аниқ зарбалар берди.

Ҳал қилувчи раундда ҳар икки боксчининг чарчаганлиги кўзга ташланди. Қийин пайтда ўзини ўнглаб олган Владимир рақибини уч марта ниншонга олди. Ана шу зарбалар вакилимизга муваффақият келтирди. Владимир ҳалқаро классли спорт мастери эканини мухлислар олдида намойиш этди. У 167-ғалабани қўлга киритди. Шундай қилиб, Владимир Шин финалда РСФСР вакили Анатолий Коптев билан учрашадиган бўлди.

Финалга йўлланма олган Анатолий ярим финал баҳсини Олимпиада ўйинларининг бронза медали совриндори Виктор Савченко билан ўтказди. Ўйиннинг иккинчи қисмида кутилмаганда Виктор чеккасидан лат еб, ўйиндан чиқишга мажбур бўлди. Владимир Шин ҳал қилувчи учрашувда куч синашадиган рақиб шу тариқа финалга йўлланма олган. Ўйлаймизки, вакилимиз 75 килограмм вазнли боксчилар сафида курашиб, икки марта Спартакиада чемпиони бўлган ва жаҳон чемпионатида муваффақият қозонган Руфат Риқиев изидан борди.

СПАРТАКИАДА ОДИМЛАРИ

ОҒИР АТЛЕТИКА. Ленинградда ўтаётган мусобақаларда спортчиларимиз дуруст натижаларга эришмоқдалар. Куни кеча Виктор Жгун бронза медали совриндори бўлган эди. Энди Геннадий Маляр тўртинчи ўринни эгаллаб, республикамиз терма командаси ҳисобига қимматли очколар келтирди. У даст кўтаришда 165 килограмм, силтаб кўтаришда 210 килограммга эришди.

МЕРГАНЛИК. Ўқ отиш бўйича ўтказилган мусобақалар якунланди. Республикамиз вакиллари 36 очко жамгариб, ўнинчи ўринни эгаллашди.

ГИМНАСТИКА. Вакилларимиз бадиий гимнастикачилар мусобақасида дуруст натижаларга эришди. Ольга Тимофеева финал группага йўлланма олди.

ФУТБОЛ. Чарм тўп усталари ярим финал учрашувларини ўтказдилар. РСФСР — Қозоғистон учрашуви 4:0, Грузия — Ленинград 4:2 ва Москва — Украина командалари учрашувида 2:0 ҳисоби қайд қилинди. Москва ва Грузия командалари Спартакиаданинг олтин медалини олиш учун ҳал қилувчи учрашувда куч синашадиган бўлишди. 3—4 ўринлар учун РСФСР ва Украина командалари майдонга тушади.

Партия ва ҳукуматимиз совет халқининг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда коммунистик мўл-кўлчиликни яратиш борасида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида кўрсатилганидек, саноатнинг озиқ-овқат тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш 23—25 процент кўпайтирилади, хиллари ортади, сифати янада яхшиланади, лаззатли ва биологик қиммати оширилади.

Бу улкан вазифаларни белгиланган муддатда ва сифатли амалга оширишга барча мутахассислар сингари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институтининг эфир мойли ва бўёқли ўсимликлар лабораториясининг олимлари, илмий ходимлари ҳам ўз улушларини қўшиш учун шифобахш ичимликлар табиий оромбахш ҳиди, таъми, витаминларга бойлиги, чанқоқни яхши босиши, таркибида табиий органик моддалар мавжудлиги билан бошқа алкоголсиз ичимликлардан устун туради. Инсон саломатлиги учун катта аҳамиятга эга эканлигини айтмайсизми?

Республика Озиқ-овқат саноати министрлиги ҳамда «Ўзбекбирлашув»нинг ишлаб чиқариш корхоналари шифобахш ичимликларни савдо шохобчаларига кўплаб етказиб бермоқда. Лекин бу ичимликларга бўлган талаб кун сайин ортиб бораётир. Бу йил Озиқ-овқат саноати министрлигининг корхоналари «Райҳон», «Горний цветок», «Тошкент» ва «Пахтакор» ичимликларидан 530 минг литр, «Ўзбекбирлашув» 80 минг литр ишлаб чиқаришни планлаштирган.

ШИФОБАХШ ИЧИМЛИКЛАР

илмий-тадқиқот изланишларини изчил давом эттирмоқдалар. Олдимиздаги муҳим масалалардан бири республикамиз ўсимликлар дунёсида кенг тарқалган, инсон саломатлиги учун зарарсиз, саноат тармоқлари учун эса қимматли ҳом ашё ҳисобланган эфир мойли, зиравор, дори-дармон ва бўёқ хусусиятларига эга бўлган ўсимлик турларини ҳар тарафлама ўрганиш, улардан тўғри ва унумли фойдаланишнинг амалий йўлларини асослаб беришдан ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборатдир.

Республикамизда 560 тадан зиёдроқ эфир мойли, 200 тадан ортиқ зиравор ҳамда 100 тадан кўпроқ бўёқли ўсимлик турлари аниқланди. Ана шулардан энг ноёб ва қимматбаҳо ҳом ашё манбаи ҳисобланганларини маданий ўсимлик сифатида экиб ўстириш, биологик хусусиятларини мукаммал ўрганиш, агротехник қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда шу ҳақда қўлланмалар яратиш лозим. Сўнгги йилларда бир қанча эфир мойли, зиравор, бўёқли ўсимлик турлари ҳар тарафлама ўрганилиб, айримлари ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Иттифоқимизда биринчи бўлиб бизда улардан алкоголсиз шифобахш ичимликлар тайёрланди. Олимларимиз «Ташкентпиво» бирлашмасининг инженер-технологлари билан ҳамкорликда яратган бу ичимликларга «Райҳон», «Горний цветок», «Тошкент» ва «Пахтакор» номлари берилди. Улар республикамиз ҳамда Иттифоқимиз мутахассислари томонидан юқори баҳоланди ва ишлаб чиқаришга йўлланма олди. Ҳозирги кунда «Райҳон», «Горний цветок», «Тошкент» ичимликлари давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

Эфир мойли ва зиравор ўсимликлардан тайёрланган «Райҳон», «Горний цветок», «Тошкент» ичимликларининг шифобахш хусусиятлари ҳисобга олиниб, Жиззах шаҳрида йилига 300 тонна ўсимлик шарбати ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган йирик корхона қуришга қарор қилинди. Завод, шунингдек, йилига 25 тонна қизил рангдаги табиий ўсимлик бўёғи ҳам ишлаб чиқаради. Улардан эса шифобахш ичимликлар тайёрланади.

Айни пайтда шифобахш ичимликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхоналарни ўсимлик ҳом ашёлари билан таъминлаш борасида ҳам лабораториямиз олимлари катта илмий-тадқиқот ишларини амалга оширмоқдалар. Улар саноат аҳамиятига эга бўлган шифобахш ўтларнинг айримларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш йўлларини илмий жиҳатдан асослаб бермоқдалар. Эфир мойли, зиравор ва бўёқли ўсимликлар тўғрисида тавсияномалар тайёрладилар. Бу тавсияномалар асосида республика Ўрмон хўжалиги министрлигининг доривор ўсимликлар тайёрлаш бошқармаси ҳамда «Ўзплодоовощвинпром» ўсимлик ҳом ашёларини корхоналарга етказиб бермоқда.

Республикамизнинг бой ўсимлик дунёсини янада чуқурроқ ўрганиш, улардан инсон саломатлиги йўлида баракали фойдаланишга муносиб ҳисса қўшиш биз нинг гоят муҳим вазифамиздир.

Қ. ХОЖИМАТОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институтининг эфир мойли ва бўёқли ўсимликлар лабораториясининг мудири.

ТЕАТР МАВСУМИНИ БОШЛАДИ

Республиканинг энг кекса саҳна коллективи — Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги» пьесаси асосидаги спектакль билан ўзининг навбатдаги 62-мавсумини бошлади.

Театрда ЎзТАГ мухбирига маълум қилишганидек, артистлар бу йилги мавсумда томошабинларга бир қанча премьерани намойиш этадилар. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунининг 90 йиллигига «Бой ила хизматчи» спектакли қайтадан саҳналаштирилмоқда. Иззат Султоннинг «Қалъа» пьесаси асосидаги постановка Туркистондаги революцион воқеалар тўғрисида ҳикоя қилади. Ана шу спектакллардан ташқари, коллектив ҳалқаро болалар йилига ва буюк мутафаккир, ўрта аср Шарқининг алломаси Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига бағишланган постановкаларни тайёрламоқда.

(ЎзТАГ).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Спартакиада кундалиги. 10.05 — Сиз ёқтирган шеърлар. 10.35 — Шер уйдан кетиб қолди. Бадиий фильм. 2-серия. 11.40 — Ватанимни шарафлайман. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Халқ оҳанглари. 16.30 — Спартакиадада. 17.30 — Москва ва москваликлар. 18.00 — Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар! 19.00 — Қувноқ нотолар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Оддий мўъжиза. 21.30 — Вақт. 22.05 — Спартакиадада. 22.30 — Янгиликлар. 22.35 — Спартакиадада. 23.00 — Олимпия шаҳарлари эстафетаси.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун кинофильм. 11.50 — С. Маршак ва А. Барто асарлари асосида адабий композиция. 12.20 — Қизил альпинистлар. Бадиий фильм. 13.-серия. 12.45 — Бешвой билан иккивой. 13.45 — Ёз ҳикоялари. Бадиий фильм. 18.20 — Гува ва кичик барабан. Бадиий фильм. 18.30 — Ёшлик. 18.55 — Москва Вернисажи. 19.30 — Ахборот. 19.45 Тугалланмаган ҳикоя. Бадиий фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Вақт. 22.05 — Август — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой. 22.25 — А. П. Чехов. 6-палата.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН

18.40 — Юракка йўл. Бадиий фильм. 20.15 — Янгиликлар. 20.35 — Италияликлар билан эпефат. Спектакль.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек классик қўшиқлари. 9.30 — М. Ашрафий. Дилором. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 13.30 — Қадрдон ўлка қўшиқлари ва куйлари. 14.00 — Пахта теришмашиналарини сифатли ремонтдан чиқарайлик. 18.30 — Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни такомиллаштирайлик. 18.45 — Юность Узбекистана. 20.50 — Кўчма устахоналар. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 21.50 — СССР халқлари VII ёзги Спартакиадаси. 22.28 — Р. Ризо. В. И. Ленин. 23.35 — Дам олиш концерти.

СССР ГАЗ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИНИНГ

А. К. КОРТУНОВ НОМЛИ БУХОРО ГАЗ САНОАТИ ТЕХНИКУМИ

1979—1980 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ: НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚУДУҚЛАРИНИ ПАРМАЛАШ, НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚУДУҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ, НЕФТЬ ВА ГАЗ ХИМИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ, ТУРБИНАСОЗЛИК, ИЧДАН ЁНАДИГАН ДВИГАТЕЛЛАР.

СИРТҚИ: НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚУДУҚЛАРИНИ ПАРМАЛАШ, ИЧДАН ЁНАДИГАН ДВИГАТЕЛЛАР, НЕФТЬ ВА ГАЗ ХИМИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ: **кундузги бўлимда тўла ўрта мактаб базасида 2 йилу 6 ой, сиртқи бўлимда — 2 йилу 7 ой.**

ТЕХНИКУМГА 30 ЕШГАЧА БЎЛГАН, 10—11-СИНФЛАРНИ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР 2 КУРСГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР. СИРТҚИ БЎЛИМГА КИРУВЧИЛАРНИНГ ЕШИ ЧЕКЛАНМАЙДИ.

Техникумга кирувчилар қуйидаги имтиҳонларни топширадилар: тўла ўрта мактаб базасида — математика (оғзаки), рус тили ва адабиёти (ёзма); нефть ва газ химиявий технологияси ихтисоси учун математика ўрнига химия (оғзаки).

Аризага қуйидагилар илова қилинади: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 4 та фотосурат, меҳнат дафтарчасининг нусхаси (камида 2 йил стажга эга бўлган кишилар учун).

Ҳужжатлар ўрта маълумотлилардан 14 августгача, сиртқи бўлимга эса 10 августгача қабул қилинади.

ҚАБУЛ ИМТИҲОНЛАРИ — 21 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Техникумга кирувчилар ётоқхона билан ва умумий асосларда 30—37 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Техникум адреси: Бухоро шаҳри, Киров кўчаси, 103-ўй (6-автобусининг «Медицина билим юртн» бекати). Телефон 371-54.

Г. С. ТИТОВ НОМЛИ РЕСПУБЛИКА УМУМТАЪЛИМ СПОРТ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

1979—80 ўқув йили учун

КОНКУРСЛИ ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

сузиш ва спорт гимнастикаси бўлимларининг 4-10 синфларига;

енгил атлетика бўлимининг 5-10-синфларига;

қиличбозлик бўлимининг 6-10-синфларига;

бокс, велоспорт, футбол бўлимларининг 7—10-синфларига;

байдарка, эшкак эшиш, каноэ ва академик эшкак эшиш бўлимларининг Чирчиқ шаҳри, даги мактаб-интернат филиали 7-10-синфларига.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, спорт ҳужжатлари, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 286-формадаги медицина кафтаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка.

Конкурс синовлари Тошкент шаҳрида 15-25 август кунлари ўтказилади.

Мактаб-интернат адреси: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Х. Турсунқулов кўчаси, 38-уй.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ишлар мудирлиги коллективи бўлим мудири А. Г. Аҳмадбоева онаси

Фотима АҲМАДБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлигининг информацион ҳисоблаш маркази коллективи шу информацион ҳисоблаш марказининг директори Н. В. Аҳмадбоевага онаси

Фотима АҲМАДБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси коллективи студиянинг кекса ходими, 1928 йилдан буён КПСС аъзоси

Ҳожихон ИБРОҲИМОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000. Тошкент—П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04; масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; ҳалқаро ҳаёт — 32-54-18; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; ҳатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚКАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-31-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси нинг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 07378. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 176.